

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ҲОШИМОВА НОЗИМАХОН ФАЙЗУЛЛО ҚИЗИ

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ-ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ
ШАКЛЛАНГАНЛИК ХУСУСИЯТИ

5A210201-Психология(умумий психология) мутахасислиги бўйича
магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар : психология фанлари номзоди,

Доцент Расулов А.И.

Такризчи: Тошкент ислом унверситети

доценти п.ф.н. Норимбетов Т.Б.

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

Кириш.....		3
I БОБ	ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ-ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ШАКЛЛАНГАНЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	10
1.1.	Толерантлик психологик феномен тушунча сифатида	10
1.2.	Толерантликнинг психологик тадқиқотларда ўрганилганлиги	37
1.3.	Ижтимоий-толерантлик намоён бўлишининг психологик жиҳатлари.....	47
	Боб бўйича хулосалар.....	51
II БОБ	ИЖТИМОЙ-ТОЛЕРАНТЛИКНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШ	53
2.1.	Ижтимоий-толерантликни тадқиқ этиш методикалари тавсифи.....	53
2.2.	Талабаларда ижтимоий-толерантлик шаклланганлик хусусиятини тадқиқ этишнинг ташкилий жиҳатлари.....	56
	Боб бўйича хулосалар.....	62
III БОБ	ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ -ТОЛЕРАНТЛИК ШАКЛЛАНГАНЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ ЭМПИРИК ТАДҚИҚИ	63
3.1.	Талабаларда ижтимоий-толерантлик шаклланганлик даражаси.....	63
3.2.	Талабаларда ижтимоий-толерантлик билан бошқа толерантлик турлари ўртасида ўзаро муносабатлар.....	70
3.3.	Талабалар ижтимоий-толерантлик ва шахс хусусиятлари.....	75
	Боб бўйича хулосалар.....	77
	УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	78
	ТАВСИЯЛАР	78
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	81
	ИЛОВАЛАР	87

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Глобаллашув жараёнида инсоният ҳамжамияти олдида пайдо бўлаётган кўплаб муммолар орасида толерантлик маданияти энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. XX аср инсониятга катта ижобий ижтимоий-иқтисодий ютуқлар, яъни мустақил давлатлар сонининг ортиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқаро муносабатларининг интеграциялашуви кабилар билан бирга ҳал қилиниши зарур бўлган ижтимоий ва халқаро келишмовчиликларнинг оғир юкини, миллий биқиклик, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм ва фундаментализм сингари иллатларни мерос қилиб қолдирди. Буларнинг барчаси толерантлик маданиятини умумбашарий қадриятга айлантириш масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Толерантлик ҳар бир инсоннинг ўз фикри, нуқтаи назари, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши, турли миллат ва элат вакиллариининг бирга, аҳилликда яшашга интилишидир. Толерантлик маданиятининг тарихий-маънавий негизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, Ўзбекистон халқининг миллий менталитетига хос бўлган мазкур қадрият ўзида ҳам умуминсоний, ҳам минтақавий ва миллий жиҳатларни чабарчас боғлиқликда акс эттиради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганларидек¹, “Минг йиллар давомида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 3–4;

билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийдар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар... Моворауннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали – Фозил кишилар шахри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас”².

Глобаллашув ва жамиятни ислоҳ этиш шароитида янгича фикрловчи шахсларни тарбиялаш таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Дунё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб умумбашарий тавсифга эга мазкур муаммони ҳал этишга доир концептуал-назарий асослар яратилди ва тизимли тарзда амалиётга татбиқ этиб борилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “... мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”³. Мазкур эзгу мақсадни ҳаётда ўз исботини топишида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислохотларнинг амалий татбиқи мустақиллик йилларида республикамызда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асоси сифатида толерантлик тамойили асос қилиб олинганлиги мазкур соҳадаги ютуқларимизнинг гарови бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатиб турибди. Худди шунингдек, узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларда ҳам толерантлик фазилатини шакллантириш миллий тарбиямизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий шарт-шароитлар ўсиб

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.

³ Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.10.

келаётган авлодни хилма-хилликка чидамли, бошқа фикрларни эшита олиш ва уларни ҳурмат қилиш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий толерантлик руҳида тарбиялашни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқот предмети. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни тадқиқ этиш орқали унинг назарий асосларини илмий-амалий жиҳатдан далиллаш.

Тадқиқот объекти. Олий ўқув юрти ЎзМУ нинг филология ва тарих факультети талабалари, Жами 50 нафар.

Тадқиқотнинг методик апарати. Тадқиқот ишимизда кўзланган мақсадга эришиш учун қуйдаги методикалар танлаб олинди: Бирламчи методлар сифатида кузатиш ва суҳбат методи ҳамда:

1. А.Ассингер тести (муносабатларга агрессивликни баҳолаш);
2. И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларни баҳолаш методикаси.
3. Л.Г.Почебугнинг “интолерантлик-толерантлик” (ИНТОЛ) ҳамда Г.У. Солдатова методикалари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

1. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятини ривожланиши жараёнининг муҳим босқичи сифатида қараш мумкин;
2. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусияти, мақсади, қизиқишлари, тасаввурлари, идеаллари, интилишлари, қадриятлари ва шахсий фазилатлари билан уйғунлашгандагина етук мутахассис таркиб топиши жараёнининг самарадорлиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин;
3. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятини шаклланишини тўғри ташкил этиш эҳтимоли ортади.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш ва назарий материалларни умумлаштириш;
- талабаларда ижтимоий толерантлик хусусияти диагностикасида қўлланиладиган методикаларни танлаш ва эмперик тадқиқот ўтказиш;
- ижтимоий толерантлик ва унинг диагностикаси психологик механизмларини ижтимоий-психологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш;
- ижтимоий толерантлик мазмуни ва шаклланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш;
- тадқиқот натижалари таҳлилида “Толерантлик”, “интолерантлик” ва уларнинг этнопсихологик омиллар билан алоқадорлигини илмий жиҳатдан асослаш;
- талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни психологик компонентларини тадқиқот методикалари орқали илмий ёритиб бериш;
- талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни умумпсихологик ва психологик асосларини ўрганиш;
- амалий психологияга талаблар ортиб бораётган айни бир вақтда, ижтимоий-психология масалаларининг диагностик аҳамиятини илмий жиҳатдан кўрсатиб беришдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Психологик ва педагогик адабиётларда толерантлик муаммосининг бир қатор методологик, назарий ишланмалари келтирилган. Шунингдек, гуманистик педагогика ғоялари Ш.А.Амонашвили, М.А.Данилова, М.Монтесорри, В.А.Сухомлинский ва бошқалар, ҳамкорлик педагогикаси муаммолари О.С.Гозман, П.Я.Галперин, В.В.Давидов, И.П.Иванов, А.С.Макаренко, С.Т.Шацкий, Д.Б.Элконин ва бошқалар ишларида ўрганилган.

Психологик манбалар таҳлиliga кўра, фанда “толерантлик” феноменининг шаклланишида асосий улушни файласуфлар қўшишган бўлиб, ушбу тушунча улар қарашларида (одатда сабр- тоқатлилик

тушунчаси сифатида қабул қилинган) қатор бошқа феномен ва синоним тушунчалар сифатида талқин этилган. Жумладан, “қалб омбори” (Аристотель), ижтимоий бирдамлилик (Платон), ҳамжиҳатлилик даражаси (Г.Лейбниц), диний эркинликни эътироф этиш (Дж.Локк), эзгулик (И.Кант), ўзиги хослик мустақиллик ва барча инсонларни бирдек кўриш ёки англаш (рус файласуфларидан – Н.С.Трубетской, И.А.Ильин, Н.А.Бердяев, В.Соловьев) ва шу кабилар. Замонавий фалсафа концепциясида толерантлик либерализм муаммолари, миллий ўхшашлик ва кўпмаданиятллик ҳодисалари билан боғлиқликда ўрганилган. Шунингдек фалсафа концепциялари доирасида критик рационализмга кириш асосини ташкил қилиш учун толерантлик чегаралари аниқланган ва толерантлик парадокси шакллантирилган.

Рус психологларидан Б.Г.Ананьев ўтган асрнинг 60-йилларида толерантлик атамасидан биринчи бўлиб фойдаланган бўлса, бу феноменнинг ижтимоий психологиясини илк маротаба Санкт-Петербурглик олима Г.Л.Бардиер тадқиқ этган.

Конкрет шароитларда, яъни ижтимоий воқеликлар ва жараёнлар (референт гуруҳдаги ижтимоий ҳамкорлик)да толерантликни шахс фаолиятида тутган ўрни ҳамда унинг қай тарзда намоён бўлиши, шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга қатор олимлар ўз диққатларини қаратиб келмоқдалар. Жумладан бундай уринишларни жаҳон тан олган олимлардан В.С.Агеева, Г.А.Андреева, А.Г.Асмолов, А.А.Бодалев, В.Л.Василев, Р.М.Грановская, Н.В.Гришина, И.Н.Гурвич, О.И.Даниленко, А.И.Донцов, Е.К.Завялова, Г.У.Солдатова, Т.Г.Стефаненко, Н.С.Хрусталёва, Н.Ю.Храшева, В.А.Чикер, Е.С.Чугунова ва бошқаларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

1.Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни феномен тушунча эканлиги илк бор яхлит тадқиқот сифатида ўрганилади;

2.Тадқиқот орқали талабаларда ижтимоий толерантлик хусусиятларини ўрганишнинг этнопсихологик механизмини илмий асосланиши;

3.Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни диагностика қилишда айрим методикаларни тизимлаштирилиши;

4. Эмперик тадқиқот ёрдамида ижтимоий толерантликни диагностика қилиш мезонларининг ишлаб чиқилиши;

6.Ижтимоий–психологк методикалар ёрдамида талабаларда ижтимоий толерантлик ва унинг компонентлари илмий тавсифланади;

7.Талабаларда ижтимоий толерантлик хусусиятларини тадқиқ этишга оид илмий хулосалар, таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади;

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти. Талабаларда ижтимоий толерантликнинг шаклланганлик хусусиятларни психологик томондан кенг ёритилди. Талабаларда ижтимоий толерантлик хиссининг намоён бўлишининг психологик хусусиятларини очиб берилди. Толерантликнинг эмпатик ҳислар билан боғлиқлик жиҳатлари тадқиқ этилди. Ушбу магистрлик ишининг мавзуси ўзбек психолог олимлари томонидан тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Ушбу диссертация тадқиқот ишидан психолог мутахассислар, амалиётчи психологлар ҳамда талабалар илмий ва амалий фаолиятларида айрим мавзуларда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг чоп этилганлиги: Тадқиқотнинг асосий натижалари 1 та илмий ишда ўз аксини топган, жумладан, конференция ва семинар тўпламларида 2 та тезис, орқали чоп этилган .

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, тўққиз параграф, боб буйича хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ-ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ШАКЛЛАНГАНЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Толерантлик психологик феномен тушунча сифатида

Маълумки, толерантлик ҳиссини ривожлантириш таълим соҳаси учун бош мақсадлардан бирига айланиб бормоқда. Айнан шунинг учун ҳам толерантлик масаласи сўнгги йилларда психология ва педагогика фан доираларида актуал муаммога айланмоқда. Толерантлик муаммосига бағишланган ишлар жуда кўп, ҳар бир иш ўзининг аҳамиятига эга, бироқ толерантлик масалаларига оид барча илмий ишларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин, булар, назарий ва амалий ишланмалар. Назарий ишлар орасида фалсафий, маданий ва ижтимоий характердагилари устунлик қилса, амалий ишланмалар ичида педагогик техника ва методикалар етакчилик қилади. Бу табиий ва хатто фойдали ҳолат ҳисобланади; бироқ муаммо назарий ва амалий ишланмалар орасида ўзига хос “жарлик” нинг ҳосил бўлгани ва ўрта ораликдаги ишланмаларнинг йўқлигида. Айни шу ўринда жуда муҳим бўғин – толерантликнинг психологик тавсифи эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Маълумки, “Толерантлик тамойиллари” Декларациясига кўра, “толерантлик – бу олам маданиятини, ўзлигини намоён қилиш кўринишлари ва инсоннинг индивидуаллигини намоён бўлиш усуллариининг турли-туманлигини тўғри тушуниш ва қабул қилиш, ҳурмат кўрсатишни англатади, бу уйғунлик ва ранг-баранглик, бу тинчликка эришиш имконини берувчи ва уруш маданиятини тинчлик маданияти билан алмашинишига ҳайрихоҳ бўлувчи, меҳрибонликдир”.⁴

Толерантлик ёндашувларида маданий-тарихий ва семантик фарқлар мавжуд. Хусусан рус тилида толерантлик (баъзи луғатларда “эскирган тушунча” сифатида берилади) сабрсизликка қарама-қарши тушунча сифатида сабрлилик каби субъект позициясига тўғри келмайдиган нуқтаи-

4.Асмолов А. Г. Мы обречены на толерантность// семья и школа. 2001. - №11-12. – С.32-35.

назарларга сабр сифатида талқин қилинади. Миллий маданий контекстларда сабрлиликнинг ўзига хос характерли белгиларига раҳм-шафқат ва кечиримлилик деган маънолар бириктирилган. Лотин этимологик луғатлари ва европа тиллари луғатларида толерантликнинг 2 хил нуқтаи-назардан маъноси кўрсатилган, бу “сабрлилик” ва “қўллаб-қувватлаш”.⁵

Мамлакатимизда статистик маълумотларга кўра 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари тили конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Шу йўналишда марказлар тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигига кўринмоқда.

Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, Лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг ягоналиги унинг бетакрор табиати, бой тарихи, заҳматкаш инсонлари билан бир қаторда бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай аҳиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига ва асосига ҳам эга. Бу асослар мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланиб қўйилган. Хусусан унинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир, дейилган.

Эътибор берилса, мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига даҳлдор муҳим аҳамиятга эга бир қатор тамойиллар белгилаб қўйилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

⁵ Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

Биринчидан, фуқароларнинг миллий мансублигидан қатъий назар қонун олдида тенглиги тамойили.

Иккинчидан, фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги тамойили. Диний қадриятлар миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қонуннинг амалий аҳамияти ойдинлашади.

Учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Ирқчиликдан ғайриинсоний мафкура ва амалиётнинг тарихимизда умуман кузатилмаганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Толерантлик тушунчасига турли соҳа мутахассислари таъриф бериб ўтганлар.

Жумладан, толерантлик фалсафий маънода – лотинча чидам, чидамлилик, тоқат қилиш, кенгфеллик маъносида “tolerantia” сўзидан олинган бўлиб, фалсафада бағрикенглик, ҳалимлик ва ҳайрихоҳлик тушунчаларини ифодалайди.⁶

Психологик маънода толерантлик бу – индивиднинг ўз асаб ва руҳий мувозанатини тиклаш, муваффақиятли мослашиш, адоватга йўл қўймаслик ва уни ўраб турган олам билан ижобий муносабатларни ривожлантириш мақсадида муаммоли ва инқирозли вазиятларда ташқи муҳит билан фаол алоқа қилиш қобилиятини белгиловчи бирлашма, интеграл хусусият.

Ўрта Осиё ва яқин шарқ халқларида толерантлик тарбияси узоқ тарихга эга. Ота-боболаримиз фарзандларига жуда ёшлиқдан бошлаб бошқа дин ва миллатларнинг вакиларига нисбатан сабр-бардошли бўлиб, ўзга халқларнинг маданияти, тили, урф-одатларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни сингдирганлар. Шу билан бирга толерантлик тарбиясини келгуси авлодларга ҳам тарғиб қилганлар.

⁶ Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

Якка худоликни тарғиб қилувчи “Авесто”да толерантлик тарғиботига катта ўрин берилган.

Авесто – аجدодларимизнинг узоқ тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти маданияти, маънавияти, ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий, этник қарашларининг қарор топиши ва ривожланишига хос тарихни ўрганиш учун бебаҳо ёзма манбаидир. “Авесто”даги ахлоқий тарбиянинг асосини терисининг ранги, тили ва яшаш манзилидан қатъий назар покният, ҳалол, қалбан соф инсонларни тарбиялаш масаласи ташкил этади. “Пок ва беайб туғилмоқ, ёзиқсиз дунёга қадам қўймоқ одамлар тақдири ва тириклигида нечоғли улуғ толеъдир. Одамнинг одоблилиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак” дейилиши фикримизнинг далилидир. Яъни инсон зардуштийлар назнида ҳеч қандай айбсиз туғилади ва ҳар қандай ирққа мансуб кишилар мутлақ илоҳ олдида баробардирлар.

Толерантлик масаласи ислом дини обидаларида алоҳида ўрин эгаллаган.

Ислом дини ниҳоятда беғрикенг бўлиб, дўстлик ва биродарлик динидир. Бу динда миллатчилик йўқ. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дунёдаги ҳамма миллатларни бир ота – бир онадан яратганлигини билдириб, “Хужурот” сурасининг 13-оятида “Эй одамлар, биз сизларни бир еркак ва бир хотиндан яратдик, ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўст-биродар бўлишларинг учун турли-туман халқ ва қабила элатлари қилиб қўйдик. Батаҳқиқ сизларни Аллоҳ назнидаги энг ҳурматлироғизнгиз – тақводорроғингиз. Албатта, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчи ва хабардор Зотдир”, деб марҳамат қилган.⁷

Қуръонда эҳсонли, қўли очик, бағрикенг, мурувватли, кенгфеълли бўлиш юксак маърифат белгиси, деб қаралади. Кимда-ким одамлардан ҳиммати, мурувватини аямаса, саҳоват эшигини бекитмаса, бундан энг

⁷ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2006. – 164 б

аввало унинг ўзи катта наф кўради, маънавий қониқиш ҳосил қилади, руҳи кўтарилади.

Пайғамбаримизнинг мулойимлиги, бағрикенглиги, кечиримлилиги, шарм-ҳаёлиги, ўч олиш ўрнига авф этиши, қийинчиликларни чидам билан енгиши, адолатпарварлиги, шижоати ва саҳийли, хулласи калом барча олийжаноб инсоний фазилатлари ҳадисларда чуқур ва ихчам ифодаланган.

Умуминсоний, дунёвий кадрият бўлган ислом таълимотида бошқа динларга мазҳабларга мансуб кишиларнигина эмас, хатто золимларни бузуқларни ҳам сабр-тоқат билан тарбиялаб, тўғри йўлга солиш энг савобли, энг эзгу иш деб уқтирилган.⁸

Ҳадиси Шарифдаги “Ўзингга раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўр”, “Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг” каби ҳикмлатлар умубашарий ахлоқий кадриятлар сифатида жаҳондаги жамики халқлар, элатлар ҳамда миллатларга таалуқлидир.

Фалсафа фанлари доктори Г.Наврўзова Абдулҳолиқ Гиждувоний асарлари асосида бағрикенгликни қайси ўринларда намоён бўлиши лозимлиги назарда тутиб, қуйидагича гуруҳлайди:

Инсоний бағрикенглик — инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати.

Оилавий бағрикенглик — оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиқлиги, меҳмоннавозлик, меҳрибон ва ғамхўр бўлиш.

Маҳаллий бағрикенглик — қавм-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакиллариининг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўзаро ёрдам кўлини чўзиб яшаши.

Эл-юрт бағрикенглиги — мамлакат аҳли бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларини тан олиб ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

⁸ М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

Халқлар ва давлатлараро бағрикенглик – миллати, ирқи, жинси, даражаси, яшаш жойидан қатъий назар бирлик ва дўстликда умр кечиришдир.⁹

Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотидаги бағрикенглик турига қараб қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

Этно-психологик бағрикенглик – ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одати, қадрияти руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш.

Миллий бағрикенглик – турли миллатларнинг ёнма-ён тенглик ва дўстлик асосида яшаши.

Ирқий бағрикенглик – турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олиб улар билан баҳамжиҳат яшаш.

Жинсий бағрикенглик – жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш.

Диний бағрикенглик – турли хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир манзил-маконда эзгу ниятлар билан ҳамкорлик ва муросада яшаши.

Иқтисодий бағрикенглик – иқтисодий ёрдам, тенг муносабатга асосланган ҳамкорлик.

Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик – жамиятдаги мол-мулки, нуфузи, сиёсий қаршларидан қатъий назар ўзаро тенг ҳуқули инсонлар сифатида тан олиш ва улар билан мулоқотда бўлиш.

Умуминсоний бағрикенглик – барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлиш.

Бизнингча ҳар бир кишида “ўзга”ни ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш толерантлик муаммосини ечишни осонлаштиради.

⁹ Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: O'qituvchi, 2010.

Ўзга миллат вакилини тан олиш унда ўзи учун азиз бўлган бошқача қадрият, мантиқий фикрлаш, турмуш тарзи, маданият мавжудлигини англаб етишдан иборатдир.

Қабул қилиш – бу ўзга дин ва миллат вакилининг бизга нисбатан фарқли жиҳатларига ижобий муносабатда бўлиш муносабатда бўлиш демакдир.

Тушуниш эса ўзга дин ва миллат вакилининг ички дунёсини кўра олиш, унга ўзи ва ўзгалар нуктаи-назаридан ёндашиш демакдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий бағрикенглик – турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини қадрлаш орқали амалга оширадиган ўзига хос маънавий кенглик (бағрикенглик) ни англатади.¹⁰

Ўзбекистоннинг тараққиёти бевосита унда яшовчи миллатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлилигига боғлиқ. Турли миллат ва элатларни бир-бирларига яқинлаштиришда, улар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғуларини қарор тортиришда толерантлик муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқа фан соҳаларида бўлгани каби психологияда ҳам толерантликни кундалик ва илмий тушунча сифатида фарқлаш лозим. Бироқ ҳозирги замонавий адабиётларда бундай фарқни сезиш мушкул, бундай хулосага толерантликка берилган баъзи таърифлар билан танишиб чиқиб келиш мумкин: “қарама-қаршилик шароитида ҳамкорлик қадрияти”; “ўзингнинг шахсий мақсад ва қизиқишларингдан фарқлиларни қабул қилишинг”; “эшитганларинг ўз дунёқарашингга қанчалик номутаносиб бўлмасин, сабр билан эшитиш, турли фикрлар билан ҳисоблашиш қобилияти”; “тинчлик ва хотипжамликка интилиш”.

¹⁰ Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

Юқорида келтирилган барча таърифлар толерантлик феноменинг ҳам кундалик ҳам илмий таърифи бўла олади. Толерантлик қандайдир омиллар ҳаракатини механик натижаси ҳисобланмайди. Ҳақиқий толерантлик бу шахснинг англаниган ва маъсулиятли танлови бўлиб, инсоннинг бошқалар билан муносабат ўрнатишдаги позицияси ва фаоллигидир (Экзистенциал-гуманистик ёндашув). Толерантликнинг психологик мазмуни, алоҳида бир хусусиятга характеристикага олиб келиниши мумкин эмас, бу мураккаб, кўп аспектли ва кўп компонентли феномен бўлиб, бир нечта базавий ўлчамларга эга

Толерантликнинг намоён бўлишига кўра турлари.

<i>Туркум</i>	<i>Турлари</i>	<i>Таркиби</i>
Компонентлари	Ижтимоий муносабат аспекти (аттитюд)га кўра	Аффектив, когнитив, конатив
	Шахс фаоллиги компонентида кўра	Эҳтиёжлар, мотивлар, меъёрлар, қадриятли йўналганлик, фаолият стили, шахсий мазмун, шахсий ва ижтимоий (гурухий) мослик.
Кўринишлари	Фарқларга кўра	Авлодлараро, жинслараро (гендер), шахслараро, маданиятлараро, динлараро, касбий, бошқарув, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий толерантлик
Типлари	Толерантлик субъектига кўра	Шахсий, гуруҳий
	Толерантлик объектига кўра	Шахсий, гуруҳий, шунингдек ситуатив (ўз ичига ноаниқликка нисбатан толерантликни олади)
Даражалари	Психиканинг функциясига кўра	Психофизиологик, психологик, ижтимоий-психологик
	Намоён бўлиш даражасига кўра	Паст, ўрта, юқори
Намоён бўлиш	Интолерантлик йўналишига кўра	Гетероинтолерант, аутоинтолерант

шакллари	Очиқлик даражасига кўра	Очиқ, яширин
	Англоганлик даражасига кўра	Англоганмаган, англоган, декларирүемая

Толерантлик феноменининг дифференцияллашган тушунчасига куйидагилар киради:

- Табиий (натурал) толерантлик – кичик болага хос бўлган ва унинг шахсий “Мен” сифатлари ассоциациялашмаган - очиклик, меҳрибонлик, ишонувчанлик (“А” типли толерантлик);
- Маънавий толерантлик – инсоннинг ташқи “Мен”и билан ассоциациялашган сабр, сабрлилик (“Б” типли толерантлик);
- Ахлоқий толерантлик – ички “Мен” билан ассоциациялашган қабул қилиш ва ишонч туйғулари (“В” типли толерантлик).

Ушбу толерантлик типларига батафсил тўхталиб ўтамиз:

“А” типдаги толерантлик – бу бошқа бир инсонни сўзсиз табиий равишда, бориша қабул қилиш, унга нисбатан қадрли ва азиз мавжудот сифатида муносабатда бўлишдир. Бундай толерантлик ёш бола ҳаётида катта ўрин эгаллайди, чунки унинг шахс бўлиб шаклланиш жараёни ҳали индивидуал ва ижтимоий тажрибаларни ҳис етишга етиб бормаган.

Толерантликнинг ушбу тури замоний ижтимоий-биологик тадқиқотларнинг яққол эволюцион-генетик боғланишга эга. Бундай толерантлик болалар психологияси ва психоанализида етарлича тадқиқ етилган.

Гўдак ўз эҳтиёжларига нисбатан мутлақо сабрсиз – у очлик, совуқ, эмоционал ҳувиллашга нисбатан чидамиз. У ўзининг базавий эҳтиёжларининг қондирилишини ўзига хос бўлган қурол – йиғи билан талаб қилишга қодир. Агар унда бошқа “қурол” бўлганида эди, у албатта ундан фойдаланган бўлар эди (бу феномени Л.Виготский “болалар солипцизми” деб атаган эди). Бу ўринда ота-оналар ўз фарзандларини сабрлиликка

ўргатадилар, кўпгина катталар эса ўз эҳтиёжларини тезда қондирилишини талаб етиб “гўдаклигича” қолиб кетадилар.

З.Фрейд болаларча сабрсизликни ўзидан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган либидо табиати билан изоҳлаган. Фрейд фикрича, психосексуал ривожланишнинг кейинги босқичларида болада сабрлилик шаклланиб боради. Сабр – бу инсоннинг физиологик эҳтиёжлари ва уларни қондириш қобилиятининг биринчи тўқнашуви, кэнг маънода айтганда бу табиатга оид индивиднинг маданиятли индивид билан юзма-юз келишидир. Бироқ болага хос бундай сабрлилик “А” типли толерантликка алоқадор емас¹¹.

Толерантликнинг айнан шу типи ёш болаларнинг ўз ота-оналари хаттоки улар қаттиққўл муносабатда бўлганларига ҳам, психологик, жисмоний, сексуал зўравонликларда ҳам меҳрибонлардек қабул қилинишидир. Бир томондан “А” типдаги толерантликнинг мавжуд бўлиши ёмон муносабатнинг намоён бўлишидан психологик, субъектив ҳимояланганлик ва ота-оналари билан ижобий муносабатни сақлашга ёрдам берса, иккинчи томондан, уларнинг шаклланиб келаётган шахсларини асабийлаштиради, чунки етарли даражада ўзини шахсий тажрибасини, ҳис ва ҳаяжонларини таъминлай олмайди. “А” тип толерантликнинг бундай “ассиметрияси” тўлалигича толерантликнинг кейинги ривожига маъсул.

“Б” типдаги толерантлик шахс сифатида ўзини кўрсатиш учун характерли бўлган шахс бўлиб шаклланиш жараёнининг ихтиёрий қисми ҳисобланади. Кўпинча бу тип катта ёшдагиларга хос. Толерант шахс кўпроқ босиқликка ҳаракат қилади бунда у кўпинча ҳимоя механизмларидан фойдаланади. Бироқ ўзининг “фасади” орқали у шахсий сабрсизликни яширади. Бу ўсиб боровчи ҳаяжонлар, айта олмаган норозиликлари, босиб турувчи агрессиялари ва ҳаказо. Шуни айтиш мумкинки, кўринча “Б” типдаги толерантлик мазмунан квази толерантликка мос келиб, бу ҳақиқай

¹¹ Риэрдон, Б. Э. Толерантность — путь к миру / Б. Э. Риэрдон. — М., 2001.

бўлмаган, қисман намоён бўлувчи шартли, маданий толерантликдир: “биз сизга сабр қиламиз, чунки”; “шароит шуни тақазо қиладики, биз сизга чидашга мажбурмиз, чунки ”; “айни пайтда мен ўзимдек бўла олмайман ва ўзимни сабрлидек қилиб кўрсатиб туришга мажбурман ...”; “мен бошқа нарса ҳақида ўйлайман, лекин буни ошкор айтиш ...”.

“Б” типдаги толерантлик – бу берк, яширин ички агрессия бўлиб, бундай сабрлилик бир қарашда сабрсизликдан яхши бўлиб кўринсада, униси ҳам буниси ҳам бир хил ва бир хил табиатли ҳодисалар ҳисобланади. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, улар фақатгина сон жиҳатдан, сифат жиҳатдан эмас, чунки уларнинг психологик асоси бир хил. Бу маънода шуни айтиш мумкинки “В” типдаги толерантлик бу сабрсизликнинг тескари томони бўлиб, инсон устидан турли хилдаги зўравонлик, манипуляциялар, унинг субъектив характеристикаларини суистеъмол қилишдан иборат. “В” типдаги толерантлик инсон томонидан атрофдагилар билан бир қаторда ўзини ҳам бир хилда қабул қилишдир. Ташқи ва ички оламни биологик шаклда ўзаро таъсир қилишига асосланган. Зўравонлик ва манипуляцияга қарама-қарши бундай ўзаро таъсир этиш қадриятларни ва уларнинг асосларини назарда тутди ва бошқа инсон учун қадрли бўлган ички қадриятлар, ҳаёт мазмуни, ҳис-ҳаяжонларига ҳам ҳурмат билан қарашини ва уларни тўғри қабул қилишини акс эттиради. Инсон учун “В” типдаги толерантликка эга бўлиш, конфликт ва қўполлик бутунлай ёт эмас, балки у доимо сиқилиш ҳолатида бўлиб, бундай ҳолат билан юзма-юз келишдан қўрқмайди. Бу ҳақиқий етук, асл позитив толерантлик бўлиб, “А” ва “Б” типдаги толерантликларга нисбатан инсон ҳақиқатини чуқурроқ ва тўлиқроқ англашга асосланади.

“В” типдаги толерантлик ўзининг намоён бўлишида К.Роджерс триадаси билан уйғунлашади, яъни бу бебаҳолик ва конгурентликни сўзсиз қабул қилишидир¹². Бундай толерантлик шунингдек, шахслараро

¹² Когнитивно-ориентированный тренинг толерантности./ 18 программ тренингов: Руководство для профессионалов. Под науч. ред. В.А.Чикер. – СПб.: Речь, 2007, глава 13, с.176-192.

муносабатда аниқланиши мумкин. Болаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларидаги толерантлик, одатда болаларнинг катталар билан ўзаро муносабати ўзига хос икки тип толерантликнинг ўзаро учрашуви, тўқнашуви сифатида юз бериб, (катталарнинг “сабрлилик” тамойили асосидаги толерантлиги ва болаларнинг “очиқлик” тамойили асосида курилади). Бундай тўқнашувнинг ривожланиши болалар толерантлиги таъсиридан эмас, балки яқинлик инволюцияси зонасида амалга ошади.

Айнан “Б” типдаги толерантлик ҳақиқий оиладаги тарбия амалиётининг асосини ташкил этади. Бундай бўлишига сабаб балки замонавий жамиятимизда ва замонавий оммавий маданиятда сабрсизлик ва зўравонлик етакчилик қилаётганлигидадир. Шунинг учун ҳам шунини таъкидлаш жоизки, оилавий тарбия психологиясидан маълумки, турли авлод вакиллари ўртасидаги низо – бу энг аввало “қадриятлар тизими” низоси бўлиб, уларнинг ҳар бири “Б” типдаги толерантлик (сабрлилик) сифатида намоён бўлади. Масалан, ўспирин бола билан мулоқотда ота-онада юзага келувчи муаммолар асосан сабрсизликнинг назорат қилиб бўлмас даражада портлаши ёки бошқача қилиб айтганда одамларнинг “фасади” ортида ривожланиб боровчи ички ғазабнинг ташқи намоён бўлиши билан боғлиқ муаммолардир. Болалар ота-оналар ўртасидаги муносабатдаги ўзаро сабрсизлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, бу катталарнинг сабрлилик толерантлик оқибатидир. Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, боланинг оиладаги эрта психологик жароҳатланиши, доимий равишда боланинг индивидуал намоён бўлишини босиб борилиши натижасида шахснинг авторитар интолерантлигининг ривожланишига олиб келади.

Авлодлар ўртасидаги конфликт – бу, энг аввало қадриятлар тизими конфликтидир. Масалан, ўсмирлик ёшидаги кўпгина муаммолар асосан уларнинг ота-онаси билан муносабатдаги сабрсизлиги билан боғлиқдир. Албатта бу сабрсизлик бир вақтда юзага келмайди. Ўсмирлик давридаги конфликтлар шуниси билан қизиқки, толерантлик кўринишлари

шаклланишининг кетма-кетлигини инобатга олган ҳолда ўсмирни “экстрем катта инсон”, “катталарнинг каттаси” сифатида кўриб чиқиши мумкин. Ўсмир ҳаётида барча катта бўлиб боришдаги ўзгаришлар янгилик ва етарли даражада ўзлаштирилмаган бўлади. Ўзининг сабрсизлиги, каттиққўллиги, қатъиятлилигида ўсмир катталардан анча ўзиб кетади. Ўсмир “манихеев оламида” яшайди, унинг қадриятлари тизими яхшилик ва ёмонлик дуализмига асосланган бўлиб, айнан уларни атроф-оламга кўчиришга интилади; катталар эса уларнинг руҳий мавжудлик томонларини кучайтипиш ўрнига уни кўпроқ ижтимоийлаштиришга ҳаракат қилишади; бунинг натижасида резонанс юзага келади, яъни ўсмир ота-онасининг негатив атмосфераси таъсирида ўсмирнинг негативизми кучайиб боради. Айнан ўсмирлик ёшида ўзига хос “туйнук” пайдо бўлиб, бу туйнук “А” типдаги толерантлик билан “Б” тип толерантлик ўртасида ҳосил бўлади; ўсмир энди бола учун характерли бўлган, қабул қилиш типдаги толерантликка қодир эмас, ва ўз навбатида катталарга хос бўлган сабрлилик толерантлигига ҳам ҳали лойиқ эмас. Ўсмирлик суициди аксарият ҳолатларда, ўсмирнинг “маргинал толерантлиги” каби чегараланган имкониятлари билан изоҳланади.

Катталарнинг ёш болалар билан ўзаро муносабатидаги муаммо шундан иборатки, болани эмас, ўзини-ўзи қабул қилишини, яъни ота-оналарнинг ўзларини бирламчи қабул қилишлари ва бу нарса “фасад” ва “соя”ни ҳис этишни юзага келтиради. “В” тип толерантлик бир қатор мулоқот амалиётларини ўзига хос характерли хусусиятларидан ҳисобланиб, психотерапевтик эффектга эгадир. Биринчидан, бу энг аввало сонга нисбатан асл руҳий муносабат амалиётидир. Худди шундай кўпинча дунёвий динлар, хусусан, янги руҳонийларнинг ўғитлари “В” тип толерантликка асосланган. Иккинчидан, бу асл инсонга нисбатан бағрикэнглик муносабати амалиёти бўлиб у ҳар доим тор ахлоқ горизонтини енгиб ўтувчи ва ҳар қандай инсонга эркинлик, ўз-ўзини қадрлаш, ҳурмат қилишни рағбатлантипиб туради. Бундай эзгу

бағрикенглик толерантлик муносабатларига яққол мисолларни классик, бадий адабиётлардан топиш мумкин. Учинчидан, бу ҳақиқий инсонга нисбатан психотерапевтик муносабат амалиётидир. У шахсий етуклик ва психотерапевтнинг профессионализмига асосланади, хусусан, психопрофилактика ва оила ичидаги муносабатлардаги интолерантликни коррекциялаш, оила психотерапиясининг фундаментал вазифаларидан бири бўлиб, унда “В” тип толерантликни култивациялаш мумкин ва зарурдир. Муаммоли оилалар билан ишлашда психотерапевт “В” тип толерантликнинг модели ҳисобланади. Оила психотерапияси ўзаро таъсир усулининг терапевтнинг ушбу тамойилда иш олиб боришига асосланади ва у томонидан миждзининг оламини, унинг фикрлари, мақсадларини тушуниш ва қабул қилишига боғлиқ бўлади. Оилавий психотерапевтик сессияларни ўтказиш давомида ҳар бир оила аъзосини овозини эшитиш жуда муҳим бўлиб, шу жумладан болаларнинг, қарияларнинг, жисмоний ва психик касал одамларни эшитиш ва уларнинг фикрлари, ўй-хаёлларини ўрганиш, уларни бошқа оила аъзолари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш зарур.

Толерантлик қандайдир омиллар ҳаракатини механик натижаси ҳисобланмайди., ҳақиқий толерантлик бу шахснинг англандан ва маъсулиятли танлови бўлиб, инсоннинг бошқалар билан муносабат ўрнатишдаги позицияси ва фаоллигидир (Экзистенциал-гуманистик ёндашув)¹³.

Толерантликнинг психологик мазмуни, алоҳида бир хусусиятга характеристикага олиб келиниши мумкин эмас, бу мураккаб, кўп аспектли ва кўп компонентли феномен бўлиб, бир нечта базавий ўлчамларга эга (диверсификацион ёндашув).

¹³ Практика социальной психологии толерантности / Толерантность и интолерантность в современном обществе. Под ред. И.Перовой. – СПб.: Изд. С-Петербур. ун-та, 2005, с. 270-281.

Толерантликнинг мураккаб анатомиясида унинг психологик асоси ва бош ўлчови бўлиб толерантликнинг шахсий ўлчами (қадриятлар, мазмунлар, шахсий установкалар) ҳисобланади (шахсий ёндашув).

Толерантликнинг барча турли-туман кўринишлари ва турлари орасида инсоннинг умумий толерантликка асос бўлувчи шахслар ўртасидаги толерантликдир; толерантлик ўзаро муносабат ва шахслараро ўзаро ҳаракатнинг ўзига хос усули сифатида; бошқа бир инсон билан мулоқот қилиш, шахслар ўртасидаги диалог сифатида.

Тўлиқ толерантлик – энг аввало ўзининг асосида – фақатгина ташқи таъсирлар натижаси бўла олмайди; толерантлик нафақат шаклланади, балки ривожланади ҳам; толерантликни шаклланишида унга ривожланиш учун яратилган шароитлар ёрдам беради (фасилитатив ёндашув)¹⁴.

Экзистенциал-гуманистик ёндашув. Толерантлик турли фалсафий ва психологик ёндашувларда кўриб чиқилади. Ҳозирги кун адабиётларида бихевиорал (бунда толерантлик инсонни алоҳида хулқ шакли сифатида кўрилади) ва когнитив (бунда толерантлик ўз асосида билим ва рационал сабабларга эга дейилади) ёндашувлар устунлик қилади. Экзистенциал-гуманистик нуқати-назарда тўлиқ, етук толерантлик бу – сўзсиз англаш, тушуниш ва маъсулиятлиликдир. Бундай толерантлик автоматизим яъни оддий стереотипик ҳаракатлар эмас – бу қадрият ва ҳаётий позиция бўлиб, уларни амалга ошириш ҳар бир конкрет вазиятда ўзига хос маънога эга ва толерантлик субъектдан ушбу мазмунни излашни талаб этади.

Толерантликка диверсификацион ёндашув. Толерантлик бўйича чет ел ва рус олимларининг ишларини таҳлили шундан далолат берадики: толерантликка нафақат бир маъноли дефиницияни бера олишмайди, ягона характеристикага келтира олмайдилар шунингдек аниқ бир тематикада локализациялаштира олмайдилар ҳам. “Толерантлик муҳим ёндашувлари” нинг ўзиёқ унинг ҳар бири бутун бир фундаментал тадқиқотлар йўналишларини олиши мумкин. Баъзи муаллифлар беш ёки ундан кўпроқ

¹⁴ Рюмина Л.И. Библиотека психологии и педагогики толерантности. // Вопросы психологии. 2002, №2.

қарашларни фарқлайдилар, булар: антологик, гнесеологик, аксиологик, социологик, психологик ва ҳаказолар. Хаттоки психологик аспектларнинг ўзи билангина чегараланганда ҳам, толерантлик феномени бир текисликда ётмайди. Унинг мазмуни бир маъноли эмас, у чизиқли детерминизмга бўйсунди ва уни алоҳида хусусиятга, кўрсаткич ва характеристикага келтириш мумкин эмас. Толерантлик бу мураккаб кўп аспектли, кўп компонентли феномен бўлиб, бир нечта кўриниш ва ривожланиш чизиқларига эга. Улар Дж. Бюджентал таклиф қилган аналоглар “мулоқотнинг базавий ўлчовлари” каби толерантликнинг базавий ўлчовлари деб юритилиши мумкин¹⁵. Агар биз плюрализмни қадрлилигини таъкидласак, “инсоннинг кўп қиррали” эканлигини ва унинг ҳаётининг турличалигини тан олиш даражасида етарлича ўзимиз толерант бўлсак, толерантликнинг ўзини мураккаблиги бўйича таққосланувчи ва кўриниши бўйича изоморф сифатида изоҳлаймиз.

Толерантлик феноменининг мураккаблиги ва кўп ўлчовлилиги бир неча йўналишларда намоён бўлади. Энг аввало бу толерантлик турлари ва кўринишларининг турли-туманлигидадир. Диверсификациянинг ушбу аспекти – энг яққол кўриниб турувчидир, аммо кўпгина фалсафий, теологик трактовкаларда толерантликни бир маъноли тушунча сифатида аниқ белгиланган ва бўлинмас эканлигини кўрсатишга интиладилар. Замонавий психологияда эса акси толерантлик кўпгина кўринишлар, бўғинлар, типлар, вариантлар турларга бўлиниб, йўқолиб боради. Толерантлик бўйича психологик тадқиқотларни системалаштиришга уринишлар мураккабликларга дуч келади – “толерантлик” атамаси деярли ҳар қандай психологик феноменга қўшимча бўлиб қолади.

Анъанавий ҳолларда мураккаб психологик ҳодисаларни тасвирлашда компонентлар триадасидан фойдаланилади. Бу триада қуйидагиларни ўз ичига олади: когнитив компонент, эмотсионал компонент ва хулқ-атвор

¹⁵ Ризрдон Б.Э. Толерантность – дорога к миру. М., 2001.

компоненти. Ушбу схемани қўллашга интилишлар толерантликда ҳам пайдо бўлди. Энг умумий ҳолларда юқоридаги компонентларнинг асосий мазмуни ёки толерантлик ўлчамлар қуйидагича таърифланиши мумкин:

Толерантликнинг когнитив компоненти. Бу компонент энг яққол кўринувчи ва кўп жиҳатдан тадқиқ этилган бўлгани учун толерантлик кўпинча когнитив “транскрипция” да тасвирланади. Бу ердаги асосий жиҳатлар мураккаблик, кўп ўлчамлилик, оламни олдиндан башорат қилиб бўлмаслиги, у ҳақдаги индивидуал фикрлар табиатини тан олишдир. Шунинг учун ҳам у ҳақдаги фикрларни ягона ҳақиқатга бирлаштиришнинг имкони йўқ. Юқоридаги аспектлар толерантлик тамойиллари Декларациясида ҳам таъкидлаб ўтилган, унда толерантлик – бу “энг аввало бизнинг оламни, инсонни индивидуаллигининг намоёни бўлиш шакллари турличалиги, бойлигини тўғри англашимиздир” дейилади. Толерантликнинг когнитив компоненти инсон томонидан мураккаблик ва кўп ўлчамлиликни қабул қилиш ва тушунишдан иборат бўлиб, булар ҳаётий ҳақиқат билан бир қаторда уни қабул қилиш вариантларининг турличалиги, уларни турли инсонлар томонидан турлича баҳоланиши ва тушунилиши, нисбий ва тўлиқ эмаслиги, субъективлигидир.

Толерантлик когнитив ўлчамда айнан қарама-қаршилик ҳолатларида намоён бўлади: фикрларнинг тўқнаш келиши, қарашларнинг мос келмаслиги ва ҳаказо. Бу мос келмаслик плюрализмни қабул қилиш, интерпритацияларнинг бойлигидан далолат беради. Когнитив интолерантлик толерантликнинг акси бўлиб, меъёр мавжудлиги позтсиясидан келиб чиқади, шунинг учун у фикрларнинг кўп бўлиш имкониятини рад этади ва ҳар қандай фикрлар плюрализи, инсонларнинг турлича нуқтаи-назарларини хатолик, адашиш ва хатто атайин қарши чиқиш деб баҳолайди. Толерантлик шунингдек шахснинг суҳбатдоши билан маълум вазият устидан турлича фикрлар билдириш имкониятини ҳам англатади, когнитив “низо” шахслараро низога олиб келмайди.

Толерантликнинг эмоционал компонентети. Толерантликда эмпатиянинг аҳамияти беқиёс ва бу фикрни деярли барча тадқиқотчилар маъқуллаган. Толерантликнинг эмоционал ташкил этувчисининг аҳамияти шундаки, айнан шу ўлчов коммуникатив жараёнда суҳбатдошларни ўзаро умумийликка эришишлари, узилган инсоний алоқаларни тиклашлари имконини беради. Бундан ташқари эмпатия суҳбатдошлар ўртасидаги когнитив ёки хулқ-атвор текислигида юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш ёки юмшатиш имконини беради. Тўлиқ эмпатия бебеҳо ва бу маънода мазмунан толерантдир. Эмоционал компонентнинг алоҳида ташкил этувчиси сифатида эмоционал барқарорликнинг ўзига хос кўриниши – “аффектив толерантликни” айтиш мумкин. Унинг мазмуни эмоционал толерантликни, оғриқли ҳисларни сабр билан енгил ва ҳаказо. Толерантликни ушбу кўринишининг бошқа бир аспекти ўзга кишининг турли эмоционал кўринишларига сабрли муносабатда бўлиш билан боғлиқ. Ривожланган аффектив толерантлик инсонга шахсий эмоционал жараёнлари билан бир қаторда бошқа инсонларнинг ҳис ҳаяжонларини яхшироқ англашга, асабийлашмай ва улардан ёмон маъно изламай қабул қилишга ёрдам беради.

Толерантликнинг хулқ-атвор компонентети. Ушбу ўлчов “толерантлик айсберги” нинг энг кўзга кўринган қисмини ташкил этади ва одатда ўзига эътиборни жалб қилади. Хулқ-атвор толерантлигига кўплаб кўникма ва қобилиятларни киритиш мумкин, улар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

1). Толерант фикр билдириш ва ўз нуқтаи-назарини шахсий мулоҳаза сифатида ҳимоя эта олиш қобилияти;

2). Бошқаларнинг фикрларига толерант муносабатда бўла олиш (ўзининг шахсий фикридан қанчалик фарқ қилмасин бошқаларнинг фикри ҳам яшаш ҳуқуқига эга эканлигини тан олиш) қобилияти;

3). Низоли вазиятларда (қарама-қарши нуқтаи-назар, фикрлар тўқнашуви юз берганда) толерант бўла олиш қобилияти;

Охиргиси алоҳида эътиборни талаб этади, нафақат хулқ-атвор ўлчамида балки бошқа ўлчамларда ҳам. Толерантликнинг ушбу аспекларини тадқиқ этишда Б.И.Хасаннинг конфликт ва конфликт компетентлиги консерцияси асос бўлиб хизмат қилади¹⁶. Когнитив компонент толерантлик принципларини қабул қилиш, тушуниш, фикрлаш, интерпритациялашни назарда тутса, вербал компонент “илмий ташкил этувчилар” билан чегараланади. Бу толерантликни энг содда ва юзаки ўлчамидир.

Талабаларда толерантликнинг психологик тавсифи. Миллатлараро муносабатларда толерантлик муаммоси кўпгина фан соҳалари психология, социология, конфликтология, фалсафа, диншунослик ва ҳ.к лар учун долзарб бўлиб келмоқда. Толерантлик шахс хусусияти сифатида унинг ижтимоийлашув жараёнида шаклланади. Болалигиданок шахс турли ижтимоий гуруҳларга қўшилади, айнан улар бола онгида миллий қадриятлар, бошқа миллат, (дин, ирқ ва ҳ.к) вакилларига бўлган муносабат, бир сўз билан айтганда толерантликни шаклланишига таъсир кўпсатади. Булар, оила, тэнгқурлар, бола истоқомат қилаётган миллий ҳудуд, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, олий таълим муассасаси,.

Шундай қилиб толерантликни шакллантириш таълим ва тарбия жараёнининг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисми. Таълим инсон ҳаётида йўналтирувчилик вазифасини ўтайдиган жараёндир. У (таълим жараёни) асрлар давомида аждодлар томонидан тўпланган билим, тажрибани авлодларга етказди. Тарбия жараёни инсон ҳаётининг катта қисмини эгаллайди. Тарбияланувчилар онгигига тизимли равишда таъсир этиб, уларда толерантлик ҳисларининг шаклланишига кўмаклашиш мумкин.

Толерантлик инсоннинг турли-туман оламда конструктив ҳаракат қилиши ва яшаш қобилияти унинг бунга тайёрлиги сифатида таърифланади. Унинг ривожланиши миллий таълимнинг стратегик муҳим мақсадига

¹⁶ Хасан Б.И., Сергоманов П.А. Разрешение конфликтов и ведение переговоров. Красноярск-Москва, 2001.

айланиб бормоқда, шунинг учун бу муаммо сўнгги йилларда психологияда ҳам педагогикада ҳам жуда оммавийлашиб бормоқда. Толерантлик бўйича ишлар кўплаб бўлиб, уларнинг тематикаси турли-туманлигига қарамай уларнинг аксарият қисмини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси – бу назарий ишлар бўлса, иккинчиси – амалиёт билан боғлиқ ишланмалардир. Назарий ишлар орасида фалсафий, маданий, ижтимоийлари абстракт даражада бўлса, амалийлари орасида педагогик, айниқса технологик-методологик характердагилар устунлик қилади. Асосий муаммо шундаки, назарий ва амалий ишланмалар ўртасида оралиқ бўшлиқ юзага келган. Бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида турли муаллифлар ўз ёндашувларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу ёндашувлар фалсафий, этник, маданий тузилишга эга. Толерантлик бўйича қилинган кўпчилик педагогик ишлар “ёритиш позициясидан” келиб чиқади¹⁷. Толерантликнинг бундай тўғрилигини у ҳақида батафсил ва ёрқин баён этиш кабиларнинг бари ўз-ўзидан унинг муваффақиятини таъминлайди ва у ишлай бошлайди. Бунда муҳим бир бўғин тушиб қолади, яъни психологик толерантлик шахс ичидаги мазмуни, уни ривожланиш ва шаклланиш механизмларини тушунмасдан туриб адекват ва эффектив психологик методларни танлаш жуда мураккаб. Бундай ҳолларда толерантликнинг муҳимлиги ва кераклиги мавзуи бўйича тематикаларнинг долзарблиги ошиб боради.

Толерантликка Экзистенциал-гуманистик ёндашувда шахснинг рад этиб бўлмайдиган роли, унинг ҳар бир бажараётган ишлари, фаолияти орқали тан олинади. Ижтимоий меъёрларни, жамият идеалларини, профессионал талаблар ва ҳаказоларнинг аҳамиятли ролидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир конкрет одамнинг ўзининг шахсий қадриятлари, мақсадлари ва интилишларига йўналтирилган ҳаракатни амалга ошириш имкони мавжуд ва уларни рад этиб бўлмайди. Бу шуни англатадики, “ташқи чегаралар” қанчалик мустаҳкам бўлмасин, педагогининг вазифаси шахснинг

¹⁷ Хошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: O'qituvchi, 2010.

индивидуал ташқи талабларини қабул қилиши ва шахсий мақсадларини амалга оширишларига қарши турувчи “бош чизик” ни ўтказишдир.

Бу ерда толерантликнинг рад этиб бўлмайдиган қоида, истеъмол қилишига тайёр рецепт сифатида тушунилади. Бундан ташқари талабалар жазолаш ва кўрқитишлар таъсири остида бўлмаслиги балки уларнинг эркин ва маъсулиятли танлови бўлиши керак. Жумладан, ўқитувчи учун бу толерантлик ўзига хос хусусият бўлиб, фақатгина профессионал рол талаблари ёки коммуникатив кўникма бўлиб қолмайди. Ушбу экзистенционал саволларга жавоблардан инсоннинг у ёки бу ҳаракатларининг асосий мазмуни келиб чиқади. Ушбу нуқтаи-назардан мажбурий толерантлик, яъни англаб етилмаган ва қадрият сифатида тан олинмаган, маъсулиятсиз толерантлик псевдо толерантлик сифатида кўрилиши керак. Айнан шунинг учун толерантлик билим ва кўникмалар билан ҳам, у ёки бу психологик кўринишларда ҳам ташқи шароитлар билан ҳам узвий боғлиқ бўлиши мумкин эмас ва кафолатланиши ҳам мумкин эмас. Толерант муносабатлар инсонга табиатдан берилган эмас.

Толерантлик кўринишлари ва турларнинг хилма-хиллигини англаш “толерант шахс” ҳақида аниқ бир хулоса айтиш, у ҳақда мулоҳаза юритишнинг иложи йўқ. Шунингдек толерантликнинг ривожланиш динамикаси ҳақида гапириш мумкин, бунда толерантлик шаклланишининг бир неча фазаларини ажратиш мумкин. Толерантликнинг юқори даражасини ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ деб таъкидлаш мумкин эмас. Толерантликка “муаммолар тўсиғини” қўювчилар фикрига қўшилиш ҳам тўғри эмас. Толерантликни оширишга қаратилган ҳаракатлар қаршиликни сусайиши, кучсизликнинг ортишига олиб келиши мумкин. Буларни барчаси эҳтиёткорлик билан толерантлик тамойилларига, эҳтиёткорликни уларни амалий қўллаш ва дифференциал муносабатни талаб этади. Бу муаммони ечиш йўлларида бири “толерантлик - интолерантлик” бинар қарама-қаршилигини рад этиш ва толерантлик босқичлари континуумини қуришга ўтиш ҳисобланади. Диверсификациянинг аспектларидан яна бири, кўп

қирралилик яъни толерантликнинг психологик мазмуни ягона мазмун эмаслиги, толерантликни фақат бир ёндашув нуқтаи-назаридангина етарли даражада таърифлаш мумкин эмаслигидир. Шу билан бирга турли типология, назария, классификация, изоҳлар билан толерантликни бўрттириб кўрсатиш ҳам нотўғри.

Етук толерантлик – бу толерант хулқ-атворда оддий компонентликнинг кўплиги, когнитив “ёритилганлик” ва эмоционал тайёрликдир. Толерантликнинг шахс ўлчамининг асосий мазмуни ўз ичига аввало мавжуд қадриятлар тизимини олади унда асосий ўринни инсонни ҳурматлаш қадрияти, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги қадрияти, базавий саволларга инсонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳаётий розиция ва дунёқарашни танлаш эркинлиги, шахсий ҳаётига маъсуллик қадрияти ва ҳаказо кабилар демократик фуқаролик жамиятидаги инсонларнинг қадриятларидир.

Бошқа компонентларга қараганда шахс компоненти “тизимни ташкил қилувчи омил” сифатида қараш мумкин бўлиб, у толерантликнинг бошқа “префирик” психологик ташкил этувчиларнинг ҳаракатини бошқаради ва интерпритациялайди. Бу бир томондан толерантликни ўтувчи ҳолат сифатида иккинчи томондан мустаҳкам шахс позицияси сифатида фарқланишини назарда тутди. Бу борада мулоқот психологиясининг машҳур тадқиқотчиси Л.И.Рюмшинанинг толерантликни мустаҳкам позиция сифатида ўрганишдаги фикрига кўшилиш мумкин. “Қадриятлар тизимидаги ёндашувда муаммо бу шахс установкалари, қадрият ва мазмунлар сифатида намоён бўлади, айнан улар бир томондан шахснинг ички оламини белгилаб берса, иккинчи томондан – шахснинг ҳақиқий хулқ-атворини белгиловчи, мотивацион-бошқарувчи ҳисобланади”¹⁸. Бундай ёндашувнинг келажаги бор, чунки толерантликни намоён бўлишининг ички механизмларини бошқа ўлчамларда ҳам тушуниш имконини беради.

¹⁸ Рубцов А.В., Юдин Б.Г. Новые ориентиры гуманитарного образования. // Человек. 1995. № 2-4.

Шундай қилиб, шахслар ўртасидаги толерантликни таклиф етилаётган ёндашувдаги асосий ўлчамлари қуйидагилардан иборат:

- Шахсият;
- Когнитив;
- Эмоционал;
- Хулқ-атвор;
- Вербал.

Табиийки бундай “структуралаш” – шартли бўлиб, компонентлар ўртасида ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирлар мавжудлигини ҳам инобатга олиш керак.

Толерантликнинг барча кўринишлари ичида ГЕТО мақсади учун шахслар ўртасидаги толерантлик энг муҳими ҳисобланиб у ўзаро муносабатларнинг, шахслар ўртасидаги ўзаро таъсир ва бошқа кишилар билан мулоқотни қуришнинг ўзига хос усулидир. Толерантликнинг айнан ушбу кўринишида толерантлик муаммоси барча асосий аспекти яққол намоён бўлади (ўрнатиш нуқтаи-назардан ҳам, ўргатиш ва ўрганиш нуқтаи-назаридан ҳам).

Толерантликнинг шахслар ўртасидаги даражаси ўқитувчи фаолиятида биринчи даражали аҳамиятга эга ва айнан шу ерда ҳурмат ва сабрлиликнинг танқислиги сезилиб туради. Кундалик педагогик амалиётда кўпинча педагог интолерантликнинг турли даражаларини кузатиш мумкин.

1997-2001 йилларда Санкт-Петербургдаги олий ўқув юрти талабалари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра “университет муаммолари” ичида энг аҳамиятли ва оғир кечадигани қуйидагилар бўлиб чиқди: “Мен қарашларим ўқитувчиникидан бошқача бўлиши ёмон баҳоларга олиб келишидан кўрқаман”, “Мен ўқитувчилар менга ҳурмат билан муносабатда бўлишларини истардим” ва ҳаказо.

Шахслар ўртасидаги толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, “оламлар олами” – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйиши. Ушбу ўлчамда

толерантликнинг энг асосий “шахслар ичидаги шарт” – бу инсон ўртасидаги фарқларнинг табиийлиги ва буни ўзгартириб бўлмаслигини тушуниш, фарқларни ҳурмат қилишга тайёрлик, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигини бошқа бир инсонлар билан бирга мавжуд бўлиши, улар билан зўрликсиз ўзаро таъсир кўринишларига кира олиши, яъни диалогга киришиши қобилияти ва бунга тайёрлигини тан олишдан иборат.

М.М.Бахтиннинг машур диалогик концепцияси шахснинг диалогик табиатини таъкидлайди¹⁹ ва бошқа бир инсон билан диалогга киришиш шахснинг янада тўлиқроқ мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун бир усул бўлган шахснинг онтологик ўзидан қониқмаслигини қайд этади. Ушбу маънода диалог – бу инсоннинг шахс сифатида янада тўлиқ, табиий ва ривожланувчи турмуш тарзи бўлиб, бу мулоқотнинг “соғлом бошланиши”, шахслар ўртасидаги муносабатнинг конструктив потенциали. У мос ҳолда толерантлик диалогнинг муҳим атрибути сифатида – шахснинг тўлиқ ҳаёт кечириши ва инсоннинг ривожланиши учун шароит бўлади.

Диалог концепциясидаги шахслар ўртасидаги толерантлик шунингдек, “шахснинг коммуникатив ҳуқуқлари” конструктори ёрдамида ҳам очиқ бериши ва тадқиқ қилиниши мумкин (Братченко, 1997). Улар ёрдамида мулоқотнинг психо-ҳуқуқий тизими ёритиб берилади. Шахснинг асосий базавий, коммуникатив ҳуқуқларига (ШКҲ) қуйидагилар киради: ўзининг қадриятлар тизимига эга бўлиш ҳуқуқи; уни ҳурмат қилиниши ва қадрланиши ҳуқуқи; индивидуаллик ва ўзига хослик ҳуқуқи; суҳбатдошидан фарқланиш, ўз нуқтаи-назарига эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳаказо. Инсон томонидан асосий ШКҲларнинг тан олиниши ва уларга риоя қилиниши шахслар ўртасидаги толерантликнинг энг муҳим критерийси бўлиб хизмат қилади.

¹⁹ Братченко С.Л. Межличностный диалог и его основные атрибуты. // Психология с человеческим лицом: гуманистическая перспектива в постсоветской психологии. М., 1997. С.201-222.

Шундай қилиб, юқоридагиларга хулоса қилиб, шахслар ўртасидаги толерантликни асосий психологик асос сифатида – шахснинг онгли танлови бўлиб, унга асосан инсон шахсий фикр позициясига эга бўлган ҳолда бошқа инсоннинг ҳуқуқини тан олади ва ҳурмат қилади.

Толерантлик кўпинча “ташқил этувчилари” махсус ўқитишлар, махсус психологик тренинглар орқали шакллантирилиши мумкин. Бироқ, М.М.Бахтиннинг машҳур формуласига кўра, шахс толерантлиги асосларини – қадриятлар, мазмунлар, шахсий установкаларга қанчалик яқин бўлса, шунчалик “амалиётда қўллаш” тактикаси ва шаклланаётган ҳаракатлар адекватиз бўлади.

Толерантликни “тарқалиши” нинг директив методларининг яққол ноадекватлигида ҳам кўпинча психоло-педагогик ишлаб чиқилмаларига айнан шаклланувчи ёндашувларга ва “шахсни мақсадли ўзгариши” га эътибор қаратилади; бундан ташқари айнан “толерантлик меъёрларини тадбиқ қилиш ва шакллантириш” ёндашувлари “толерантлик онг установкаларини шаклланиш...” нинг федерал мақсадли дастурига киритилган (Комогоров, 2000; Скрыбина, 2000)²⁰. Маълумки, шаклланаётган ёндашувда ҳақиқий шаклланишни – “стереотипларга асосланган бир ҳилдаги ахлоқий фикрлаш”ни конструкциялаш билан алмаштириш хавфи ортиб боради. Шаклланиб бораётган ёндашув учун “бола ҳақида қадриятларни пассив қабул қилувчиси” сифатидаги тасаввурлар асос бўлади. Бағрикенг инсонни шакллантириш зарурияти ҳақида ҳаётий мақсадлар билан уни қуроллантириш, “яхши” реакцияларга нисбатан позитив ва “ёмон” ларига нисбатан негатив реакция кўрсатишни шакллантириш ҳақида гапирилади. Таълимнинг бундай турини жаҳон педагогикасида стереотопизация деб аталади, яъни аниқ бир шаблон ва белгиларга жавоб қайтарувчи, стереотипик фикрлаш ва хулқ-атвори шакллантириш (Юлини, 1996). Ҳаттоки паст даражадаги манипулятив

²⁰ Комогоров П.Ф. Формирование толерантности в межличностных отношениях студентов вуза. Автореф. канд. пед. наук. Курган. 2000.

педагогик ҳаракатлар (фақатгина когнитив ёки хулқ-атвор ўлчамлари билан чегараланган) ҳам толерантликнинг ривожланиши каби бундай мураккаб ва чуқур муаммога нисбатан етарли эмаслиги кўринади. Бу борада бизнинг позициямиз етакчи файласуфлар фикрлари билан мос келади. Улар таълимнинг ривожланишида гуманитар ютуқларни кўрсатадилар: “ОТМ таълимининг мақсади сифатида “талаба шахсини шакллантириш” деб айтилади. Лекин охир оқибат шахс ўзи шаклланади ва бу юқори даражадаги интим жараён. Қолганларнинг бари шу жумладан, ОТМ ҳам фақат шаклланиши учун шароит яратиб беради... ОТМ фуқаролик жамияти институти сифатида айнан шу мақсадини ўз олдига қўйиши мумкин” (Рубсов, Юдин, 1995). Яъни агар толерантликни нафақат оддий билимлар ёки кўникмалар йиғиндиси сифатида, балки шахсий позиция, муносабати тушунилса, у ҳолда толерантликни ривожланишнинг энг адекват психологик-педагогик тактикаси фасилитатив ёндашув бўлиб, унда асосий эътибор ҳар бир шахс томонидан шахсий, мустақил ва эркин позициясини ишлаб чиқиш учун қулай шароит яратишдан иборат. Бунда асосий шароитлар сифатида таълим методлари ва тематикаларини ажратиш мумкин.²¹

Бироқ, афсуски, ҳақиқий таълим амалиётида нафақат толерантликни ривожлантиришнинг асосий шароитлари йўқлиги балки интолерантликни ривожига олиб келувчи қарама-қарши йўналишларга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлигини ҳам рад этиб бўлмайди. Бундай ҳолларда толерантликни тўлиқ ривожланиши учун гуманитар хавфларнинг мавжудлиги ҳақида гаририш мумкин.

Шахслар ўртасидаги толерантлик психологиясини тушунишга доир юқорида баён этилган ёндашув толерантликни ривожлантириш бўйича педагогик дастурлар билан бир қаторда диагностика ва тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

²¹ Петтай И. Взаимная толерантность эстонцев и неэстонцев // Интеграция эстонского общества. Мониторинг 2000. Таллинн, 2000, с. 6-10. Практика социальной психологии толерантности / Толерантность и интолерантность в современном обществе. Под ред. И.Первой. – СПб.: Изд. С-Петербур. ун-та, 2005, с. 270-281.

Бу эса ўз навбатида толерантликни таълимдаги ривожланишини гуманитар экспертиза концепциясини қуришга ёрдам беради.

Толерантлик бу – бошқа қарашлар, мантқиқни қабул қилишга тайёрлик, индивидуаллик ҳуқуқи, шахс ва жамият системасини ичидан мувозанатлаштириб турувчи фактордир. Толерантлик қадрият, шахсий установка ва хусусият сифатида баҳоланади.

“Толерантлик” – ҳозирги кунда замонавий ижтимоий-сиёсий, маданий ва ҳуқуқий адабиётлардаги энг оммабоп терминлардан бири. Толерантликни аниқлаш ва уни татқиқ қилишда кўпгина ижтимоий ёндашувлар мавжуд, бироқ бу тушунчанинг тўлиқ психологик таърифи мавжуд эмас. Ҳозирги кунда толерантликни психологик муаммо сифатида татқиқ қилиниши дастлабки босқични бошдан кечирмоқда.

Йўналганлигига кўра толерантликни қуйида турларга фарқлаш мумкин:

- Ташқи толерантлик (бошқаларга нисбатан) – шахсга атрофдагиларнинг ҳам шахсий қарашлари борлигини эслатиб турувчи, шаклланган фикр. Ташқи толерантлик низоли вазиятларни турли нуқтаи назарлар орқали, бошқа аспект ва аргументларни ҳисобга олган ҳолда кўриш имконини беради.
- Ички толерантлик (ички барқарорлик) – низоли вазиятларда мувозанатни тутиб тура олиш, қарор қабул қилиб унга амал қилиш қобилияти.²²

²² Асмолов А. Г. Толерантность от утопии к реальности. // На пути к толерантному сознанию. М., 2000. с. 5-7.

1.2. Толерантликнинг психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолати

Толерантликнинг психологик тадқиқотларда ўрганилганлик ҳолати қуйдагиларда намоён бўлади. Ижтимоий толерантлик ёндашувларида маданий-тарихий ва семантик фарқлар мавжуд. Хусусан рус тилида социал толерантлик (баъзи луғатларда “эскирган тушунча” сифатида берилади) сабрсизликка қарама-қарши тушунча сифатида сабрлилик каби субъект позициясига тўғри келмайдиган нуқтаи-назарларга сабр сифатида талқин қилинади. Миллий маданий контекстларда сабрлиликнинг ўзига хос характерли белгиларига раҳм-шафқат ва кечиримлилик деган маънолар бириктирилган. Лотин этимологик луғатлари ва европа тиллари луғатларида ижтимоий толерантликнинг 2 хил нуқтаи-назардан маъноси кўрсатилган, бу «сабрлилик» ва «қўллаб-қувватлаш»(14).

Статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари тили конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга. Ўзбекистонда 100 дан зиёд миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Шу йўналишда марказлар тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигига кўринмоқда .

Дунёда мамлакатлар кўп, Лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг ягоналиги унинг бетакрор табиати, бой тарихи, заҳматкаш инсонлари билан бир қаторда бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай аҳиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига ва асосига ҳам эга. Бу асослар мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланиб қўйилган.

Хусусан унинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир, дейилган.

Ижтимоий толерантлик тушунчасига турли соҳа мутахассислари таъриф бериб ўтганлар.

Жумладан, ижтимоий толерантлик фалсафий маънода – лотинча чидам, чидамлилиқ, тоқат қилиш, кенгфеллик маъносида “tolerantia” сўзидан олинган бўлиб, фалсафада бағрикенглик, ҳалимлиқ ва ҳайрихоҳлик тушунчаларини ифодалайди.

“Толерантлик” сўзи рус тилига нисбатан яқинда кириб келган. Ф.А. Брокгауз ва И.А. Эфронларнинг 1909 йилда чоп этилган энциклопедик луғатида “толерантлик”, гўёки ўзгача диний дунёқарашга чидамлилиқ деган кичик мақола берилган. В. Даль луғатида “чидамлилиқ” хусусият ёки сифат, нимагадир ёки кимгадир “фақат раҳм-шафқат ёки кўнгилчанлик туфайли чидашга қодирлик”, деб талқин қилинади. С.И. Ожегов луғатида инсоннинг бировнинг фикрига, характериға адоватсиз, сулҳпарварлик муносабатида бўла олиш қобилиятини ифодаловчи чидамлилиқ сўзи толерантлик сўзининг аналоғи деб айтилади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки “толерантлик” ва “чидамлилиқ” сўзлари синонимлардир²³.

Бу тушунчалар чегараларини таҳлил қилиш яъни унинг мазмуни ҳажми, воқеликни акс эттирган қисмини аниқлаш, тушунчани аниқлашнинг бошқа бир муаммосидир. Толерантлик чегаралари тўғрисидаги муаммо уни тадқиқ қилган кўпгина тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган. Масалан, Платон “чидамлилиқ парадокси” ни таърифлаган: чегараланмаган чидамлилиқ чидамлилиқнинг йўқолишиға олиб келиши керак. Агар чидамсизларға нисбатан чексиз чидамли бўлиб, чидамли жамоани

²³ Вульфов Б.З. Воспитание толерантной личности: сущность средства // Внешкольник. 2002. - №6. – с. 12-16.

чидамсизлардан ҳимоялашга тайёр бўлинмаса, у ҳолда чидамлилар ҳароб бўладилар. Бу муаммо бўйича К. Поппер шундай деган эди: “чидамлилик йўлида чидамсизларга нисбатан чидамли бўлмаслик ҳуқуқини эълон қилмоқ лозим”.

В.А. Тишков таъкидлашича, толерантлик – бу ҳамма нарсага ижозат берилиши ва ҳамма гуноҳларнинг кечирилиши эмас, балки толерантлик интолерантликнинг кескин шаклларига нисбатан фаол ҳаракатни ўзига амраб олади. Бир қатор тадқиқотчилар, хусусан Г.У. Солдатова толерантлик чегаралари муаммосини толерантлик ва бепарволик, конформизм, лоқайдлик чегаралари муаммоси билан боғлайди. Чидамлилик ва бепарволик – бу бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир, яъни чидамлилик муҳолифлик қилувчи бошқа позицияни, бошқа нуқтаи назарни эътироф этишни билдиради. Бунда индивид бошқа, иккинчи фикр билан ҳамжиҳат эмас, лекин унинг мавжудлик ҳуқуқини тан олади. Толерантликни индеферентлик билан тенглаштириш, бошқани хуш кўрмаслик ҳиссини енгиб чиқиш зарурлигига олиб келиш мумкин, чунки бу ҳолатлар мулоқотнинг - зийраклик ва шеригига эътиборлилик, эмпатияни намоён этиш, атрофдагиларга нисбатан ҳайрихоҳлик каби муҳим таркибий қисмларини назардан четда қолдиради. Толерантлик пассив эмас, у активдир. Толерантликни позитив тушунишга унинг қарама-қаршилиги – ўзининг қарашлар тизими, турмуш тарзи, ўзи тегишли бўлган гуруҳи бошқа ҳаммадан юқори туришига қатъий ишонишга асосланган интолерантлик ёки чидамсизликни аниқлаш орқали эришилади. Ҳозирги замонавий психологик-фалсафий адабиётларда чидамлилик чегаралари ҳақидаги савол қуйидаги сабабларга кўра мунозарали муаммо бўлиб келмоқда:

1. Толерантлик тушунчаси полимодал, ҳамма қабул қилган таъриф мавжуд эмас.

2. Этик келиб чиқишига кўра “толерантлик” баҳоловчи категориядир. Биз ўзимизга, бошқа кишиларга, ўзимизнинг ва бошқаларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳамма тан олган позицияларга мос равишда баҳо берамиз.

Масалан, муҳаббат, раҳм-шафқат, ҳамдард бўлиш ва бошқалар ҳамма тан олган ижобий қадриятлардир. Хоинлик, нафрат, ёвузлик ва шу кабилар номаъкул ҳатти-ҳаракатлардир. Лекин бу қадриятлар ҳам етарлича мавҳумдир, шу туфайли уларга нисбатан чидамлилиқ чегарасини аниқлаш қийин.

3. Қадриятлар ҳамма томонидан тан олинмаган бўлса, чидамлилиқ чегарасини аниқлаш янада қийинроқ бўлади. Эвтаназия, нажот учун ёлғон ишлатиш, аборт, қайтмас оғир патологияли беморлар ҳаётини сақлаб қолиш, жониворлар устида тажриба ўтказиш каби ижтимоий ҳодиса ва ҳатти-ҳаракатларни “яхши-ёмон” нуқтаи назаридан баҳолаш қийин.

4. Шахс учун муҳим бўлган қадриятлар муҳокама қилинаётганда толнрантлик чегараларини аниқлашнинг аслида имкони йўқ.

Толерантлик муаммоси мураккаб, толерантлик ундан ташқарида ўз аҳамиятини йўқотадиган ва барча ҳатти-ҳаракатлар мумкин бўлган чегарани узил-кесил ўрнатадиган ягона ечимга эга эмас.

Бу тушунчага ҳаммасидан кўра умумлаштирилган нуқтаи назар фалсафада тақдим этилган. А.И. Ильин толерантликни ўзгалар фикрига, хулқ-атворида ва эътиқодига чидам билан муносабатда бўлиш деб тушуниб, рус православ черкови анъаналарида доимо бошқа диний эътиқоддаги кишиларга нисбатан юқори толерантлик мавжуд, деб ҳисоблайди²⁴.

Ю.А. Ищенко чидамлилиқни “мулоқотнинг амалий меъёри” деб қарайди. У чидамлилиқни шахснинг ўз-ўзини англаши борасида аҳамияти орта борадиган, унинг эса турмушнинг кескин ўзгаришлар содир бўладиган вақтда долзарблиги маълум бўладиган умуминсоний қадрият деб асослайди. В.О. Тишков фикрига кўра толерантлик шахснинг ўз-ўзини англаши, унинг фаолият ва мулоқотда бир бутунлиги билан боғлиқ. В.О. Тишков ўзининг “Толерантлик ҳақида” деган асарида толерантлик субъектини аниқлашга уриниб кўради. Субъект учун толерантлик “туғма гуруҳга оид ёки

²⁴ Словарь-справочник по социальной работе. / Под.ред. проф. Е.И.Холостовой. – М., 1997.

индивидуал хусусият эмас, балки конструкциялашга ва маълум шахсий ҳамда умумий қадриятлар, ахлоқ нормаларини амалга оширишга доимий ва йўналтирилган зўр бериб уринишдир”.

Миллий чидамсизлик муаммоларини ҳал қила туриб, И.Б. Гасанов толерантликни агрессивликнинг антиподи, деб атайди, ва неофрейдизм вакиллари: В. Райх, К. Хорни, Г. Маркузе, А. Миттерлих, Н. Браун, А. Баллок, Э. Фромм асарларига таянган ҳолда ушбу шахсий сифатларнинг ижтимоий боғлиқлигини асослаб беради, ҳамда агрессивлик - адоватнинг, толерантлик эса – тинчликсеварликнинг асосидир, дея хулоса қилади.

Тадқиқотчи В.М. Золотухин ўзининг “Толерантликнинг икки концепцияси” асарида “толерантлик” тушунчасининг моҳиятини таҳлил қила туриб, ижтимоий ҳаётнинг кўп ўлчамлилиги билан ҳисоблашган ва уни тан олган ҳолда, толерантликнинг фалсафий мазмунини аниқлайди. Унинг фикрига кўра, толерантлик бир томондан инсон фаолиятини бошқариб турадиган, дунёқарашнинг алоҳида турини шакллантирадиган ахлоқий принцип бўлса, иккинчи томондан – зиддият ва конфликтларни самарали ҳал қилишга имкон берадиган амалий инструментдир²⁵.

Ижтимоий толерантлик ҳиссини ривожлантириш таълим соҳаси учун бош мақсадлардан бирига айланиб бормоқда. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий толерантлик масаласи сўнгги йилларда психология ва педагогика фан доираларида актуал муаммога айланмоқда. Ижтимоий толерантлик муаммосига бағишланган ишлар жуда кўп, ҳар бир иш ўзининг аҳамиятига эга, бироқ ижтимоий толерантлик масалаларига оид барча илмий ишларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин, булар, назарий ва амалий ишланмалар.

Назарий ишлар орасида фалсафий, маданий ва ижтимоий характердагилари устунлик қилса, амалий ишланмалар ичида педагогик техника ва методикалар етакчилик қилади. Бу табиий ва хатто фойдали

²⁵ Комогоров П.Ф. Формирование толерантности в межличностных отношениях студентов вуза. Автореф. канд. пед. наук. Курган. 2000.

ҳолат ҳисобланади; бироқ муаммо назарий ва амалий ишланмалар орасида ўзига хос «жарлик» нинг ҳосил бўлгани ва ўрта ораликдаги ишланмаларнинг йўқлигида. Аини шу ўринда жуда муҳим бўгин – ижтимоий толерантликнинг психологик тавсифи эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Эътибор берилса, мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига даҳлдор муҳим аҳамиятга эга бир қатор тамойиллар белгилаб қўйилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, фуқароларнинг миллий мансублигидан қатъий назар қонун олдида тенглиги тамойили. Иккинчидан, фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги тамойили. Диний қадриятлар миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қоиданинг амалий аҳамияти ойдинлашади.

Учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Ирқчиликдан ғайриинсоний мафкура ва амалиётнинг тарихимизда умуман кузатилмаганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ижтимоий толерантлик тушунчасига турли соҳа мутахассислари таъриф бериб ўтганлар. Жумладан, ижтимоий толерантлик фалсафий маънода – лотинча чидам, чидамлилик, тоқат қилиш, кенгфеллик маъносида “tolerantia” сўзидан олинган бўлиб, фалсафада бағрикенглик, ҳалимлик ва ҳайрихоҳлик тушунчаларини ифодалайди.

Психологик маънода ижтимоий толерантлик бу – индивиднинг ўз асаб ва руҳий мувозанатини тиклаш, мувафаққиятли мослашиш, адоватга йўл қўймаслик ва уни ўраб турган олам билан ижобий муносабатларни ривожлантириш мақсадида муаммоли ва инқирозли вазиятларда ташқи муҳит билан фаол алоқа қилиш қобилиятини белгиловчи бирлашма, интеграл хусусият.

Ўрта Осиё ва яқин шарқ халқларида ижтимоий толерантлик тарбияси узоқ тарихга эга. Ота-боболаримиз фарзандларига жуда ёшлиқдан бошлаб

бошқа дин ва миллатларнинг вакиларига нисбатан сабр-бардошли бўлиб, ўзга халқларнинг маданияти, тили, урф-одатларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни сингдирганлар. Шу билан бирга ижтимоий толерантлик тарбиясини келгуси авлодларга ҳам тарғиб қилганлар.

Якка худоликни тарғиб қилувчи «Авесто»да ижтимоий толерантлик тарғиботига катта ўрин берилган. Авесто – аجدодларимизнинг узоқ тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти маданияти, маънавияти, ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий, этник қарашларининг қарор топиши ва ривожланишига хос тарихни ўрганиш учун бебаҳо ёзма манбаидир. “Авесто”даги ахлоқий тарбиянинг асосини терисининг ранги, тили ва яшаш манзилидан қатъий назар поктният, ҳалол, қалбан соф инсонларни тарбиялаш масаласи ташкил этади. “Пок ва беайб туғилмоқ, ёзиқсиз дунёга қадам қўймоқ одамлар тақдири ва тириклигида нечоғли улуғ толеъдир. Одамнинг одоблилиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак” дейилиши фикримизнинг далилидир. Яъни инсон зардуштийлар назнида ҳеч қандай айбсиз туғилади ва ҳар қандай ирққа мансуб кишилар мутлақ илоҳ олдида баробардирлар²⁶.

Ижтимоий толерантлик масаласи ислом дини обидаларида алоҳида ўрин эгаллаган. Ислом дини ниҳоятда беғрикенг бўлиб, дўстлик ва биродарлик динидир. Бу динда миллатчилик йўқ. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дунёдаги ҳамма миллатларни бир ота – бир онадан яратганлигини билдириб, “Хужурот” сурасининг 13-оятида “Эй одамлар, биз сизларни бир еркак ва бир хотиндан яратдик, ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўст-биродар бўлишларинг учун турли-туман халқ ва қабила элатлари қилиб қўйдик. Батаҳқиқ сизларни Аллоҳ назнидаги энг ҳурматлироғизнгиз – тақводорроғингиз. Албатта, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчи ва хабардор Зотдир”, деб марҳамат қилган.

²⁶ Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т., 2006.

Қуръонда эҳсонли, қўли очик, бағрикенг, мурувватли, кенгфеъли бўлиш юксак маърифат белгиси, деб қаралади. Кимда-ким одамлардан ҳиммати, мурувватини аямаса, саҳоват эшигини бекитмаса, бундан энг аввало унинг ўзи катта наф кўради, маънавий қониқиш ҳосил қилади, руҳи кўтарилади.

Пайғамбаримизнинг мулойимлиги, бағрикенглиги, кечиримлилиги, шарм-ҳаёлиги, ўч олиш ўрнига авф этиши, қийинчиликларни чидам билан енгиши, адолатпарварлиги, шижоати ва саҳийли, хулласи калом барча олийжаноб инсоний фазилатлари ҳадисларда чуқур ва ихчам ифодаланган.

Умуминсоний, дунёвий қадрият бўлган ислом таълимотида бошқа динларга мазҳабларга мансуб кишиларнигина эмас, хатто золимларни бузуқларни ҳам сабр-тоқат билан тарбиялаб, тўғри йўлга солиш энг савобли, энг эзгу иш деб уқтирилган.

Ҳадиси Шарифдаги “Ўзингга раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўр”, “Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг” каби ҳикмлатлар умубашарий ахлоқий қадриятлар сифатида жаҳондаги жамики халқлар, элатлар ҳамда миллатларга таалуклидир.

Фалсафа олима Г.Наврўзова Абдулҳолиқ Ғиждувоний асарлари асосида бағрикенгликни қайси ўринларда намоён бўлиши лозимлиги назарда тутиб, қуйидагича гуруҳлайди²⁷:

Инсоний бағрикенглик – инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати. Оилавий бағрикенглик – оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиклиги, меҳмоннавозлик, меҳрибон ва ғамхўр бўлиш.

Маҳаллий бағрикенглик – қавм-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши. Эл-юрт бағрикенглиги – мамлакат аҳли бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларини тан олиб ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

²⁷ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Фал.фан.док. дисс.автореф. – Т., 2002.

Халқлар ва давлатлараро бағрикенглик – миллати, ирқи, жинси, даражаси, яшаш жойидан қатъий назар бирлик ва дўстликда умр кечиришдир.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотидаги бағрикенглик турига қараб қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

Этно-психологик бағрикенглик – ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одати, қадрияти руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш. Миллий бағрикенглик – турли миллатларнинг ёнма-ён тенглик ва дўстлик асосида яшаши.

Ирқий бағрикенглик – турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олиб улар билан баҳамжиҳат яшаш.

Жинсий бағрикенглик – жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш.

Диний бағрикенглик – турли хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир манзил-маконда эзгу ниятлар билан ҳамкорлик ва муросада яшаши.

Иқтисодий бағрикенглик – иқтисодий ёрдам, тенг муносабатга асосланган ҳамкорлик.

Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик – жамиятдаги мол-мулки, нуфузи, сиёсий қаршларидан қатъий назар ўзаро тенг ҳуқули инсонлар сифатида тан олиш ва улар билан мулоқотда бўлиш.

Умуминсоний бағрикенглик – барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлиш. Бизнингча ҳар бир кишида “ўзга”ни ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш ижтимоий толерантлик муаммосини ечишни осонлаштиради.

Ўзга миллат вакилини тан олиш унда ўзи учун азиз бўлган бошқача қадрият, мантиқий фикрлаш, турмуш тарзи, маданият мавжудлигини англаб етишдан иборатдир. Қабул қилиш – бу ўзга дин ва миллат вакилининг бизга нисбатан фарқли жиҳатларига ижобий муносабатда бўлиш муносабатда бўлиш демакдир.

Тушуниш эса ўзга дин ва миллат вакилларининг ички дунёсини кўра олиш, унга ўзи ва ўзгалар нуқтаи-назаридан ёндашиш демакдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий бағрикенглик – турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини ҳурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини қадрлаш орқали амалга оширадиган ўзига хос маънавий кенглик (бағрикенглик) ни англатади.

Ўзбекистоннинг тараққиёти бевосита унда яшовчи миллатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлилигига боғлиқ. Турли миллат ва элатларни бир-бирларига яқинлаштиришда, улар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғуларини қарор тортиришда ижтимоий толерантлик муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

1.3. Ижтимоий толерантлик психологик тадқиқот предмети сифатида

Маълумки, 2017–2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг” устувор йўналишида ёшларга оид сиёсатга алоҳида эътибор қаратилиши мамлакатимизни таянчи бўлган ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишга янги туртки вазифасини ўтайди десак хато бўлмайди. Ёш авлод руҳиятида бағри кенглик ва толерантлик хисини шакллантириш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давр талабини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг” бешинчи йўналишининг алоҳида бир тармоғи “Фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш” деб номланиб унда амалга оширилиши лозим бўлган маънавий ишларга тўхталиб ўтилган.

Ёшларни дунёқарашини бойиши ва замонавий техника асосида дунёвий билмларни эгаллашлари, ўзгаларни тинглай билишлари орқали амалга ошиши педагог ҳамда психологлар томонида такидлаб келинади.

“Толерантлик” ниҳоятда кенг маънода қўлланиладиган атама бўлиб, уни асосан шахслар ва гуруҳлараро муносабатга нисбатан қўллаб келинади. Мазкур атамани шахсга нисбатан қўллайдиган бўлсак, шахс ўзгаларни тинглай билиши, бошқалар фикрини баҳолай олиши ва қолаверса уни қуршаб турган шахсларни худди ўзи каби шахс сифатида тан олишини англатади. Агарда ижтимоий муҳитга нисбатан қўлланиладиган бўлсатолерантлик инсонлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар ва турли диний эътиқодлардаги кишиларни бир-бири билан боғлаб, улар ўртасидаги муносабатларда дўстона муҳитнинг юзага келишини ва мамлакатнинг тинч тотувлик асосида барқарор ривожланишини таъминлайди.

Илк болалик даврида бола дунёни англаш жараёнида унга қандай билим берилса шундайлигича қабул қилаверади. Ёши бир оз улғайиб тафаккур жараёнида анализ, синтез ва умумлаштириш юзага келгандан сўнг, у ўз фикрини бошқаларга уқтиришга ҳамда бошқаларни фикрини инкор этишга ҳаракат қилади. Бошқаларга ўз фкирини уқтириш ёки бошқалар фкирини инкор этиш учун авваломбор сабир билан тинглаб сўнг мушоҳида қилиш кераклигини кўпчилик ёшлар англаб етишлари қийин кечади. Айниқса мунозарали, бахсга сабаб бўладиган масалаларда ёшлар хиссиётга (эмоция) берилиш ҳолатлари кўзга ташланиб туради. Шу каби ҳолатларни олдини олиш учун ҳам ёшлар ҳулқ – аъворида толерантлик хусусиятини шакллантириш лозим.

Шахснинг дунёқараши аввалом бор билимларини нутқ орқали баён қилишида намоён бўлди. Ёшлар дунё қарашини баён қилишида муомала психологияси техникасини эгаллашлари мақсадга мувофиқ.

48

адабиётларга нисбатан ёшлар онгига тез таъсир этаётган интернет манбалари нафақат дунё қарашни балки ҳуқ — атворни ҳам ўзгартириш имкониятига эга эканлиги бугунги кунда сир эмас.

Толерантлик асосида интернет маълумотларини ўзлаштириш орқали дунёқарашни бойитишда ёшлар кўр — кўрона маълумотларни қабул қилишлари эмас аксинча мулоҳаза орқали билимларни ўзлаштиришларига ва нотўғри маълумотларга нисбатан имунететга эга бўлишлари учун доимий равишда ўз устиларида ишлашлари ижобий натижаларга олиб келади. Демак толерантлик асосида дунёқарашни бойитишда хорижий тилларни билиш асосий омиллардан бири саналади.

Ёшлардаги дунё қарашнинг толерантлик асосида шакллантиришни энг асосий омили бу ўз миллий ва диний қадриятларини чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда бошқа миллат ҳамда динларни урф — одатларини ўзлаштиришдир. Ўзбекистон Республикасини биринчи презденти И.Каримов ўз асарларида урғу бериб такидлаганларидек “ Ислом дини — бу ота —боболаримиз дини,бу биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унитмайлик у қуруқ акидалар йиғиндиси эмас”²⁸. Мазкур тарифдан ҳулоса чиқарадиган бўлсак ёшларни дунёқарашида толерантликни шакллантириш орқали ёшларда имон, ахлоқ, диёнат ва маърифатни шакллантирилади.

Юқоридаги олий инсоний ҳусусиятларни ёшларда шаклланиши миллий ва дунё тарихидан чуқур билимга эга бўлишлари тақозо этилади. Ўз халқини тарихий ривожланишни билмай туриб, дуёқарашни бойтиш ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин эмаслигини исбот талаб этмайдиган ҳақиқат эканлигини ҳеч кимга сир эмас.

Ёшларда диний бағри кенгликни шакллантиришнинг асосий омилларидан бири ҳам толерантлик бўлиб унинг асосида ўзга динга эътиқод қилувчиларни диний қадрият ва ананаларига нисбат ҳурмат юзага

²⁸ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б.349;

келади. “Диний бағри кенглик қачон аниқ намоён бўлади”? деган саволга ижтимоий фан мутахассислар “Қачон бир шахс иккинчи шахсни тинглай билиш саънати эгаллаган бўлса” деб жавоб беришади. Дарҳақиқат ёшларда нотиқлик саънати шакллантириш учун тинглашни ўргатиш керак деган қоидадан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, ёшларда бағри кенгликни шакллантириш учун ўзга дин вакиллари тинглай билиш ва ўзга шахсларни эътиқодини ҳурмат қилиш руҳида тарбияламоғимиз лозим бўлади.

Толерантликнинг ёшлар дунёқараши шаклланишига таъсир этувчи асосий омил бу ижтимоий муҳит бўлиб у ўз ичига оила, маҳалла, ўқув масканлари ва қолаверса ёшлар маълумот оладиган ахборот воситалари ҳисобланади. Шу сабабдан ёшларни қандай ахборотларни олаётганликларини мунтазам назорат қилиш орқали уларда толерантликни шакллантириш жамият аъзоларига катта маъсулият юклайди.

Бутун дунё ҳам жамияти томонидан эътироф этилаётган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг” устувор йўналишларининг бешинчи йўналишидаги “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш” тармоғида биз юқорида такидлаган ёшларни турли ахборот ҳуружларидан ҳимоялашга урғу берилганлиги бежиз эмас.

Ёшларни дунё қараши қайси йўналишда бўлишидан қаттиқ назар изчил кундан – кунга кенгайиб бориши табиий. Ана шу дунё қараши толерантлик асосида бойиши замонамиз ёшларини ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштиришга замин яратади. Толерантликни ёшларни дунё қарашларида ҳар томонлама миллий қадриятлар асосида шаклланиши, уларни руҳиятидаги бағрикенглик хусусиятини мукаммал шаклланиб дунё ёшлари ўртасида Ўзбек халқини ўзига ҳос ва ўзига мос этнопсихологик қирраларини намоён эта олади.

Боб юзасидан хулосалар.

Назарий таҳлиллар мазмунига кўра қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Психологик маънода социал толерантлик бу – индивиднинг ўз асаб ва рухий мувозанатини тиклаш, муваффақиятли мослашиш, адоватга йўл қўймаслик ва уни ўраб турган олам билан ижобий муносабатларни ривожлантириш мақсадида муаммоли ва инқирозли вазиятларда ташқи муҳит билан фаол алоқа қилиш қобилиятини белгиловчи бирлашма, интеграл хусусият.

2. Бошқа фан соҳаларида бўлгани каби психологияда ҳам социал толерантликни кундалик ва илмий тушунча сифатида фарклаш лозим. Бироқ ҳозирги замонавий адабиётларда бундай фарқни сезиш мушкул, бундай хулосага социал толерантликка берилган баъзи таърифлар билан танишиб чиқиб келиш мумкин: «қарама-қаршилик шароитида ҳамкорлик қадрияти»; «ўзингнинг шахсий мақсад ва қизиқишларингдан фарқлиларни қабул қилишинг»; «эшитганларинг ўз дунёқарашингга қанчалик номутаносиб бўлмасин, сабр билан эшитиш, турли фикрлар билан ҳисоблашиш қобилияти»; «тинчлик ва хотипжамликка интилиш».

Социал толерантлик феноменининг дифференцияллашган тушунчасига қуйидагилар киради:

1. Табиий (натурал) социал толерантлик – кичик болага хос бўлган ва унинг шахсий «Мен» сифатлари ассоциациялашмаган - очиклик, меҳрибонлик, ишонувчанлик («А» типли социал толерантлик);

2. Маънавий социал толерантлик – инсоннинг ташқи «Мен»и билан ассоциациялашган сабр, сабрлилик («Б» типли социал толерантлик);

3. Ахлоқий социал толерантлик – ички «Мен» билан ассоциациялашган қабул қилиш ва ишонч туйғулари («В» типли социал толерантлик).

Бир сўз билан айтганда социал толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, «оламлар олами» – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйишидир.

II БОБ. ИЖТИМОИЙ-ТОЛЕРАНТЛИКНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШ

2.1.Ижтимоий-толерантлиликини тадқиқ этиш методикалари тавсифи

Биз мазкур диссертация тадқиқот ишимизни амалий ишлари учун А.Ассингер (муносабатларда агрессивликини баҳолаш) тести, И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларни баҳолаш методикаси ҳамда Л.Г.Почебугнинг “интолерантлик-толерантлик” (ИНТОЛ) методикаларидан фойдаланилди.

Методика №1

А.Ассингер (муносабатларда агрессивликини баҳолаш) тести (1-илова) шахснинг атрофдагилар билан мулоқотга кира олиш қобилияти қай даражадалигини аниқлашга ёрдам берадиган методикалардан биридир. Бу тест яна ўзаро муносабатларда агрессивлик даражасини ҳам аниқлашга ёрдам беради. Ушбу тест 20 та саволдан иборат бўлиб, ҳар бир саволга 3 тадан жавоб варианти берилган. Синалувчи жавоблар ичидан ўзига мос келадиганини танлаши талаб этилади. Синалувчи тестни тугатгач, натижалар қайта ишланиб сон ва сифат таҳлили амалга оширилади. Ҳозирги вақтда “агрессия” атамаси ўта кенг қўлланилади. Ушбу феномен ҳам салбий ҳиссиётлар (масалан, ғазаб), ҳам салбий сабаблар (масалан, зарар келтиришга уриниш), шунингдек, салбий кўрсатмалар (масалан, ирқий нотўғри фикр) ва барбод этувчи ҳаракатлар билан боғланади. Психологияда агрессия тушунчаси остида ўзига бошқаларни бўйсундириш ёхуд улар устидан устунлик қилиш мақсадида реал ахлоқ ёки фантазиялашда кўринувчи тенденция (интилиш) тушунилади. Агрессиянинг мақсади жабрланувчига шахсан азоб (зарар) етказиш (душманлик агрессияси) бўлиши ҳам мумкин, яна агрессиядан бошқа мақсадларга (инструментал агрессия) эришиш усули сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Агрессия ташқи объектлар (одамлар ёки предметлар) ёки ўзи (тана ёки шахс) га йўналтирилган бўлади. Бошқа одамларга йўналтирилган агрессия

жамият учун алоҳида хавфни акс эттиради. А. Бандура ва Р. Уолтер уни асоциал агрессия деб атайдилар ва натижада бошқа шахс ёки мулкка зарар келтирувчи, шу билан биргаликда, бу актлар қонун бўйича жазоланмаслиги мумкин бўлган ижтимоий-деструктив характердаги ҳаракатлар билан боғлайдилар.

Методика №2

И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини баҳолаш методикаси (2-илова). Ушбу методика эмпатик (ҳамдардлик) ҳислар яъни бошқа инсонларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш, уни эмотсионал планда тушуниш қобилиятини татқиқ этишда ишлатилади. Ҳамдардлик – бу бошқа бир инсоннинг ҳис-туйғуларини ҳудди ўзиникидек қабул қилиш қобилияти. Эмпатия шахслараро муносабатларга ижобий таъсир этади. Шахсдаги ривожланган эмпатия ҳамкорни бевосита ҳис қилиш талаб этиладиган касблар жумладан таълим ва тарбия жараёнида жуда керакли ҳисобланади. Эмпатия педагогнинг муҳим касбий хусусияти сифатида кўрилади.

Эмпатия замонавий психологиянинг категорияларидан бири бўлиб, шахснинг ўзини бошқа бир инсоннинг ўрнига қўйиб кўриши, унинг ҳиссиётлари, фикр ва хатти-ҳаракатларини тушуниши, у билан ўхшаш эмотсияларни бошдан кечириши, эмотсионал ҳолатини тушуниши ва қабул қилиши билан кечадиган жараёнларни ўз ичига олади. Ҳам суҳбатга нисбатан эмпатик муносабатда бўлиш - вазиятга унинг кўзлари билан боқиш, эмотсионал ҳолатига “қулоқ солиш” деганидир.

Ушбу саволнома 36 таъкиддан иборат. Синалувчи ҳар бир таъкидга таклиф қилинаётган жавоб вариантларидан бири билан жавоб бериши лозим, булар: “билмайман”, “ҳеч қачон ёки йўқ”, “баъзида”, “тез-тез”, “деярли ҳамиша”, “ҳамиша ва ҳа”. Ҳар бир жавоб вариантига маълум сон 0, 1, 2, 3, 4, 5 мос келади. Натижаларни қайта ишлашда ёлғон шкаласини ҳам ҳисобга олиш даркор: “билмайман” – 3,9,11,13,28,36; “ҳамиша”-11,13,15,27. Қолган 2,5,8,9,10,12,13,15,16,19,21,22,24,25,26,27,29,32 таъкидларга олинган жавоблар қайта ишланади. Ҳар бир жавоб вариантыга мос тарзда берилган

сон 0, 1, 2, 3, 4, 5 лар ўзаро қўшилиб синалувчининг эмпатия даражаси аниқланади.

Методика №3

“Интолерантлик-толерантлик” (ИНТОЛ) методикаси (3-илова)
Л.Г.Почебук томонидан Р.Лайкерт ўтказган Тадқиқотлар асосида яратилган бўлиб, шахснинг толерантлик даражасини аниқлашга қаратилган. Ушбу ҳолда толерантлик инсоннинг шундай эмоционал ҳолатики бунда шахсга бошқа бир инсоннинг хулқи, унинг шахсий хусусиятлари ёқмайди ва улар шахсга учун қабул қилиб бўлмас даражада бегона.

Бироқ шахс бу ҳолатга нисбатан сабрли муносабатда бўлиб, бошқа бир инсоннинг шахсий фикрига ҳурмат кўрсатади. Методика 16 таъкиддан иборат бўлиб, уларнинг бир қисми толерантлик даражасини аниқлашга қаратилган бўлса, бир қисми интолерантлик даражасини аниқлашга қаратилган. Синалувчи ҳар бир таъкидга таклиф қилинаётган жавоб вариантларидан бири билан жавоб беради: “қўшиламан” (+2), “қисман қўшиламан” (+1), “айтишим қийин” (0), “қисман қўшилмайман” (-1), “қўшилмайман” (-2). Жуфт саволлар толерантлик шкаласини тоқлари эса интолерантлик шкаласини ўрганади.

Ҳар бир шкала бўйича натижалар алоҳида-алоҳида қайта ишланади. Аввал “толерантлик” шкаласи бўйича натижалар ҳисобланади (олинган натижанинг мусбат ёки манфийлиги ҳам ҳисобга олинади), кейин “интолерантлик” шкаласи бўйича натижалар ҳисобланади (бунда ҳам натижанинг мусбат ёки манфийлиги ҳисобга олинади). Кейин иккала шкала бўйича олинган натижалар қўшилади.

“Толерантлик” шкаласи бўйича максимал натижа: +16

“Интолерантлик” шкаласи бўйича максимал натижа: -16.

“ИНТОЛ” нинг максимал индекси: +32

“ИНТОЛ” нинг минимал индекси: -32

2.2.Талабаларда ижтимоий-толерантлик шаклланганлик хусусиятини тадқиқ этишнинг ташкилий жиҳатлари

Диссертация ишининг мақсадларидан бири шахсдаги агрессия ва интолерантлик ҳамда ижтимоий толерантлик ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш. Бунинг учун 60 та талабадан иборат синов гуруҳи ташкил этилди.

Синалувчилар А.Ассингернинг (муносабатларда агрессивликни баҳолаш) тести ва Л.Г.Почебукнинг “ИНТОЛ” методикаси саволларига жавоб бердилар.

Лотин тилидан таржима қилганда “агрессия” “ташланиш” деган маънони англатади. Ҳозирги вақтда “агрессия” атамаси ўта кенг қўлланилади. Ушбу феномен ҳам салбий ҳиссиётлар (масалан, ғазаб), ҳам салбий сабаблар (масалан, зарар келтиришга уриниш), шунингдек, салбий кўрсатмалар (масалан, ирқий нотўғри фикр) ва барбод этувчи ҳаракатлар билан боғланади. Психологияда агрессия тушунчаси остида ўзига бошқаларни бўйсундириш ёхуд улар устидан устунлик қилиш масқадида реал ахлоқ ёки фантазиялашда кўринувчи тенденция (интилиш) тушунилади. Агрессиянинг мақсади жабрланувчига шахсан азоб (зарар) етказиш (душманлик агрессияси) бўлиши ҳам мумкин, яна агрессиядан бошқа мақсадларга (инструментал агрессия) эришиш усули сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Агрессия ташқи объектлар (одамлар ёки предметлар) ёки ўзи (тана ёки шахс) га йўналтирилган бўлади. Бошқа одамларга йўналтирилган агрессия жамият учун алоҳида хавфни акс эттиради. А. Бандура ва Р. Уолтер уни асоциал агрессия деб атайдилар ва натижада бошқа шахс ёки мулкка зарар келтирувчи, шу билан биргаликда, бу актлар қонун бўйича жазоланмаслиги мумкин бўлган ижтимоий-деструктив характердаги ҳаракатлар билан боғлайдилар.

Агрессия индивид учун автономияни ҳимоя қилиш, хавф ёки азоб манбаини бартараф этиш, эҳтиёжларни қондириш йўлидаги тўсиқларни

олиб ташлаш, ички низони ҳал қилиш, ўз-ўзини баҳолашни кўтариш каби шундай муҳим вазифаларни бажариши мумкин.

Агрессив ахлоқнинг келиб чиқишида кўплаб омиллар иштирок этади, шу жумладан, ёш, индивидуал хусусиятлар, ташқи жисмоний ва ижтимоий шароитлар. Масалан, агрессивликни шовқин, иссиқ, торлик, экологик муаммолар, метеороит ва ҳ.к. Каби ташқи шароитлар сабаб бўлиши мумкин. Бироқ кўпчилик тадқиқотчиларининг ушбу масала бўйича фикрига кўра, шахс агрессиякор ахлоқининг шаклланишида ҳал қилувчи ролни унинг бевосита ижтимоий муҳити ўйнайди.

А.Ассингер тести бўйича қуйидаги натижалар олинди:

Синалувчиларнинг агрессивлик даражаси.	Олинган натижа (% ҳисобида)
Паст	18.9 %
Ўрта	65.6 %
Юқори	13.5 %

Синалувчиларнинг 18.9 % ида агрессивлик паст даражада. Бундай инсонлар жуда ҳам тинчликсевар, бу уларнинг ўзига нисбатан ишончининг камлигидан. Бу билан уларни ўта бўшсиз демокчи эмасмиз, лекин улар ўзига нисбатан ишончни биров кўпайтурса яхши бўларди.

Қолган 65.6 % синалувчилар ўртача агрессив. Улар ўртача агрессив, ҳаёт йўлида анча омадли қадам ташлаяпти, чунки уларда ҳақгўйлик ва ўзига нисбатан ишонч етарли даражада ривожланган.

Юқори даражадаги агрессивлик 13.5 % синалувчиларда қайд этилди. Бузғунчилик характеридаги агрессивлик ҳеч қайси синалувчида қайд этилмади.

**Л.Г.Почебукнинг “ИНТОЛ” методикасининг интолерантлик
шкаласи бўйича қуйидаги натижалар олинди:**

Синалувчиларнинг интолерантлик даражаси.	Олинган натижа (% ҳисобида)
Паст	38 %
Ўрта	53.4 %
Юқори	8.6 %

Синалувчиларнинг 38 % паст натижани қайд этди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу синалувчиларда интолерантлик (толерантликнинг акси бўлиб, ўзидан фарқлиларга нисбатан сабрсизлик) ҳисси доминанта эмас.


Синалувчиларнинг катта қисми яъни 53.4 % и интолерантликнинг ўртача даражасани қайд этдилар. Уларда интолерантлик устунлик қилмасада, баъзи ўринда ўзларидан фақлиларга нисбатан сабрсиз муносабатда бўладилар.

Интолерантликнинг юқори даражасини 8.6 % синалувчилар қайд этди. Бундай инсонлар қарашлари, фикрлари ўзиникидан фарқлиларга нисбатан сабрсиз муносабатда бўладилар.

1-жадвал. Синалувчилврнинг интолерантлик ва агрессивлик кўрсаткичлари орасидаги муносабат .

	Паст кўрсаткич	Ўрта кўрсаткич	Юқори кўрсаткич
Паст кўрсаткич	17.6 %	22.9 %	40 %
Ўрта кўрсаткич	64.8 %	62.1 %	40 %
Юқори кўрсаткич	17.6 %	14.2 %	20 %

1 – Диаграмма. Синалувчиларнинг интолерантлик ва агрессивлик кўрсаткичлари орасидаги муносабат



А.Ассингер тести ҳамда Л.Г.Почебук методикасидан олинган натижаларнинг корреляцион анализ қилиб, улар орасида чизикли боғланишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаймиз.

Корреляция икки ўзгарувчи орасидаги боғлиқликни татқиқ этишда ишлатилади. Энг машҳур корреляция бу Пирсоннинг чизикли корреляцияси. Корреляция коэффициенти -1.00 ва $+1.00$ оралиқда ўзгариб бориши мумкин. Бунда агар натижа -1.00 га тенг бўлса, демак ўзгарувчилар орасида салбий корреляция мавжуд. Агар натижа $+1.00$ бўлса, у ҳолда ўзгарувчилар орасида ижобий корреляция мавжуд. Бордию натижа 0.00 ни кўрсатса, у ҳолда ўзгарувчилар орасида корреляция мавжуд эмас.

Агрессивлик даражаси – X ўзгарувчи; Интолерантлик даражаси – Y ўзгарувчи.

	Ўртача арифметик қиймат	Дисперсия (D)	Стандарт оғиш (y)
Агрессивлик даражаси (X ўзгарувчи)	38	9	3
Интолерантлик даражаси (Y ўзгарувчи)	7	15	$3.9 \approx 4$

$$r = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{(n-1)s_x s_y} \Rightarrow r = \frac{(38-37)(4-7)}{(60-1)\sqrt{344}} = \frac{-3}{684} = 0.00$$

Агрессивлик кўрсаткичи билан интолерантлик кўрсаткичи ўртасида корреляцион алоқа мавжуд эмас. Демак шахснинг агрессивлик даражаси ундаги интолерантлик ҳиссига таъсир этмайди. Бу икки ҳиссий ҳолат ўртасида чизикли корреляцион алоқа мавжуд эмас.

Бу ҳолат юқорида биз олдимизга қўйган илмий фараз исботланмаганини кўрсатади. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, тадқиқот учун танланган синалувчиларнинг асосий қисми қизлардан иборат эди.

Иккинчидан, бу ҳол бизнинг миллий минталитет хусусиятимизга боғлиқ бўлиши мумкин.

Маълумки жинсий (гендер) омилни баҳоласак, – унда эркеклар (ўғил болалар) анча юқори тўғридан-тўғри ва жисмоний, аёллар (қиз болалар) эса – билвосита ва вербал агрессияни намоён қиладилар. Умуман олганда, айти дамда аёллар кўпинча ва муваффақиятли тарзда унинг психологик вариантыга мурожаат қилсалар эркек жинсига жисмоний куч ишлатишга катта мойиллик қайд қилинади. Шунинг учун ҳам танланманинг қизлар гуруҳидан иборат эканлиги тадқиқот натижаларига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Ўзидан фарқлиларга нисбатан сабрлилик бизнинг миллий минталитетимизга хос туйғу. Ўрта Осиё ва яқин шарқ халқларида толерантлик тарбияси узок тарихга эга. Ота-боболаримиз фарзандларига жуда ёшлиқдан бошлаб бошқа дин ва миллатларнинг вакиларига нисбатан сабр-бардошли бўлиб, ўзга халқларнинг маданияти, тили, урф-одатларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни сингдирганлар. Шу билан бирга толерантлик тарбиясини келгуси авлодларга ҳам тарғиб қилганлар.

Боб буйича хулоса

Тадқиқотнинг иккинчи боби доирасида ижтимоий толерантлик намоён бўлишини қўйидаги психологик аспектларда кўриш мумкин.

Авваламбор, ижтимоий толерантлилик шахс ижтимоий мунасабатлар, ижтимоий ҳодисалар билан кечиб ўзига хос талқинга эга саналади.

Шахслар ўртасидаги ижтимоий толерантликни таклиф этилаётган ёндашувдаги асосий ўлчамлар қуйидагилардан иборат:

- Шахсият;
- Когнитив;
- Эмоционал;
- Хулқ-атвор;
- Вербал.

➤ Шахслар ўртасидаги толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, “оламлар олами” – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйиши.

➤ Ушбу ўлчамда толерантликнинг энг асосий “шахслар ичидаги шарти” – бу инсон ўртасидаги фарқларнинг табиийлиги ва буни ўзгартириб бўлмаслигини тушуниш, фарқларни ҳурмат қилишга тайёрлик, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигини бошқа бир инсонлар билан бирга мавжуд бўлиши, улар билан зўрликсиз ўзаро таъсир кўринишларига кира олиши, яъни диалогга киришиши қобилияти ва бунга тайёрлигини тан олишдан иборат.

III. БОБ ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ -ТОЛЕРАНТЛИК ШАКЛЛАНГАНЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ ЭМПИРИК ТАДҚИҚИ

3.1.Талабаларда ижтимоий-толерантлик шаклланганлик Даражаси

Мазмунан эмпатия феномени (грекча Эх – “га” + грекча рѣпт – “дард”) – бошқа бир инсоннинг эмоционал ҳолатига нисбатан англланган тарзда ҳамдардлик билдириш. Эмпат – эмпатияси кучли ривожланган шахс. Эмпатия замонавий психологиянинг категорияларидан бири бўлиб, шахснинг ўзини бошқа бир инсоннинг ўрнига қўйиб кўриши, унинг ҳиссиётлари, фикр ва хатти-ҳаракатларини тушуниши, у билан ўхшаш эмотсияларни бошдан кечириши, эмотсионал ҳолатини тушуниши ва қабул қилиши билан кечадиган жараёнларни ўз ичига олади. Ҳамсуҳабатга нисбатан эмпатик муносабатда бўлиш - вазиятга унинг кўзлари билан боқиш, эмотсионал ҳолатига “қулоқ солиш” деганидир.

“Эмпатия” термини фанга Т.Титченер киритган бўлиб, бу сўз билан у бошқа инсон ҳолатини интуитив даражада ҳис этишга кўмак берадиган ички фаолликни номлаган. Эмпатияга замонавий ёндашувлар ичида қуйидагиларини учратиш мумкин:

1. Бошқа инсоннинг ички ҳолати, фикрлари ва ҳиссиётларидан хабардор бўлиш;
2. Бошқа инсоннинг эмотсионал ҳолатини бошдан кечириш;
3. Ўзга инсоннинг ҳисларини тасаввур этиш, ўзганинг ўрнида бўлиб қолганда ўзини қандай тутиши ҳақида фикр юритиш;
4. Ўзга инсоннинг қийналаётганидан азобланиш, хафа бўлиш.

Аниқланишича, эмпатиядаги энг муҳим ҳолат бу бошқа инсоннинг ролини қабул қилиш қобилияти бўлиб, бу бизга нафақат реал инсонларга нисбатан балки ўйлаб топилган персонажлар (масалан, бадий асар қаҳрамонлари) га нисбатан ҳам эмпатик муносабатда бўлиш имконини беради. Шунингдек эмпатик муносабатга мойиллик ҳаётий тажрибанинг ошиши билан ҳам боғлиқ экан.

Эмпатия мулоқотнинг эффектив курули сифатида инсониятга у ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан вақтдан бери ҳамроҳлик қилади. Эмпатия категорияси замонавий психологиянинг кўпгина тармоқлари, жумладан гуманистик ва позитив психологияда кенг қўлланилади.

Гуманистик психологияда эмпатия шахслараро муносабатларнинг барча позитив кўринишларининг асоси сифатида кўрилади. Гуманистик психологиянинг асосчиларидан бири Карл Роджерс эмпатияга қуйидагича таъриф берган: “бу бошқа бир инсоннинг ички дунёсини шу инсондек (“агар мен...”) тўлалигича идрок етиш”.

Позитив психологияда эмпатия бу жасорат, оптимизм каби шахсга хос олий хусусиятдир. Бу ўринда эмпатиявийлик шахс хусусияти сифатида кўрилиб, билиш (тушуниш ва олдиндан кўриш қобилияти), аффектив (эмоционал реакция билдириш қобилияти) ва фаол (ҳамдардлик қобилияти) кўринишда бўлиши мумкин.

Эмпатияга мойиллик онтогенезнинг илк босқичларидаёқ кўзга ташланади: масалан янги туғилган чақалоқ олдидаги “шериги”нинг йиғисининг жавобан йиғлаши мумкин. Бу эмпатиянинг илк, дифференциялашмаган (гўдак ҳали ўзининг эмоционал ҳолатини бошқаникидан ажрата олмайди) кўриниши. Бироқ эмпатик реакция туғма характерга эгами ёки ривожланиш жараёнида орттириладими деган саволга ҳанузгача жавоб топилгани йўқ. Шундай бўлсада онтогенезнинг бошланғич давларидаёқ эмпатик реакциянинг мавжуд бўлиши рад этиб бўлмас фактдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича муқобил шарт-шароитлар эмпатик муносабатнинг шаклланишига ижобий таъсир этар экан. Масалан, агар оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ижобий бўлса у ҳолда бундай шароитда ўсган болаларнинг атрофдагиларга нисбатан эмпатик муносабатда бўлиш эҳтимоли акс шароитда улғайган болаларга нисбатан каттароқ бўлади.

Тадқиқот ишимизнинг мақсадларидан бири шахсдаги эмпатия ва ижтимоий толерантлиги ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш. Бунинг учун

60 та талабадан иборат синов гуруҳи ташкил этилди. Синалувчилар И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини баҳолаш методикаси ва Л.Г.Почебукнинг “ИНТОЛ” методикаси саволларига жавоб бердилар.

**И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини ўрганиш методикасидан
қуйидаги натижалар олинди:**

Синалувчиларнинг эмпатия даражаси	Олинган натижалар (% ҳисобида)
Жуда юқори эмпатия	22.4 %
Юқори эмпатия	70.6 %
Меъёрий эмпатия	7 %
Паст эмпатия	—
Жуда паст эмпатия	—

Синалувчиларнинг 22.4 % и жуда юқори эмпатияни қайд этишди. Уларда ҳамдардлик ҳисси жуда кучли ривожланган. Мулоқот пайтида ҳамсухбати бирор сўз демай туриб, унинг кайфиятига барометр сингари реакция билдирадилар.

Атрофдагилар уларга ўзининг барча эмотсияларини чакмоқдек намоён этишидан қийналадилар. Оғир одамлар билан ўзларини ноқулай ҳис қиладилар. Катталар ҳам болалар ҳам бирдек ўз сирларини уларга ишонадилар ва маслаҳат олиш учун айнан уларга мурожат этадилар. Улар инсонларни хафа қилиб қўйишдан қўрқади.

Шунингдек, ўзлари ҳам жуда таъсирчан. Жароҳатланган ҳайвонни кўрганда ёки бирор дўсти у билан совуқ саломлашганида хафа бўлиши мумкин. Таъсирчан эканлигидан баъзида анча вақтгача ухлай олмайдилар. Кайфияти ёмон бўлган пайтларда четдан эмотсионал кўмак олишни

истайди. Ҳаётга бундай ёндашаверсангиз асабларингиз дош бермай қолиши мумкин. Авваламбор ўзингизнинг соғлиғингиз ҳақида қайғуринг!!!

Бунда 70.6 % синалувчи юқори эмпатиявийлик даражасини қайд этди. Улар атрофидагиларнинг муаммолари ва эҳтиёжларига бефарқ эмас, кўп нарсани кечириб юборади. Одамларга қизиқиши жуда катта. уларга одамнинг юзини ўқиш ва келажакларига назар солиш ёқади. Улар эмотсионал, мулоқотчан, муомалага онсон ва тез киришади. Болалар уларни айниқса яхши кўрадилар. Атрофдагилар уларнинг дилкашлигини жуда ҳурмат қилишади. Улар низога йўл қўймасликка ҳаракат қиладилар. Ўзи ҳақидаги танқидни яхши қабул қилади.

Маълум ҳодисани баҳолашда кўпроқ ўз интуицияси ва ҳиссиётларига суянади. Ёлғизликда ишлашдан кўра одамлар билан жамоада ишлашни маъқул кўради. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кимдир доимо маъқуллаб туришига эҳтиёж сезади. Шунча ижобий ҳислатлари бўлса ҳам аниқ ва катта меҳнатни талаб этадиган ишларда саранжом (аккуратний) эмас. Уларни мувозанатдан чиқариш онсон иш.

Меъёрий даражада ривожланган эмпатия 7 % синалувчидагина қайд этилди. Кўпчилик инсонларга хос эмпатиянинг меъёрий миқдори. Уларни ҳиссиз деб ҳам бўлмайди, бироқ ўта таъсирчан ҳам эмаслар. Атрофдагилар ҳақида фикр билдиришда шахсий фикридан кўра уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқади. Барча ҳиссиётлари доимо назорат остида. Мулоқатда сабрли, айтилганлардан кўпроқ нарсани тушуниб олишга интилади, Бироқ агар суҳбатдоши ўта эмотсионал бўлса, унга нисбатан сабрсиз бўлади.

Агар фикри қабул қилинишига ишончи комил бўлмаса, уни билдирмай қўяди. Бирор китобни ўқиганда ёки филм тамоша қилганда қаҳрамонларнинг ҳиссиётлари эмас, балки воқеалар ривожи улар учун қизиқроқ. Инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларни баҳолашга қийналади, шунинг учун ҳам уларнинг баъзи ҳаракатлари кутилмаган ҳолда содир бўлади.

Уларга совуққонлик ҳос, айнан шу уларга инсонларни тўлиқ идрок этишга ҳалақит беради.

**Л.Г.Почебукнинг “ИНТОЛ” методикасининг интолерантлик
шкаласи бўйича қуйидаги натижалар олинди:**


Синалувчиларнинг толерантлик даражаси.	Олинган натижа (% ҳисобида)
Паст	—
Ўрта	24 %
Юқори	76 %

Синалувчиларнинг катта қисми 76 % ида толерантлик ҳисси юқори даражада ривожланган. Қолган 24 % синалувчилар ўрта натижани қайд этдилар. Паст натижа қайд этилмади.

**3-жадвал. Толерантликнинг юқори даражасини қайд этган
синалувчиларнинг эмпатия даражаси**

Синалувчи.	Толерантлик даражаси кўрсаткичи.	Эмпатия кўрсаткичи.
1-синалувчи	Юқори (15 балл)	Юқори (67 балл)
2-синалувчи	Юқори (14 балл)	Меъёр (61 балл)
3-синалувчи	Юқори (16 балл)	Юқори (73 балл)
4-синалувчи	Юқори (16 балл)	Жуда юқори (90 балл)
5-синалувчи	Юқори (15 балл)	Жуда юқори (90 балл)

**2 – диаграмма. Толерантлик шкаласи бўйича
юқори натижани қайд этган синалувчиларнинг
эмпатия ва толерантлик ҳислари ўртасидаги
ўзаро алоқадорлик.**



И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини ўрганиш методикаси ҳамда Л.Г.Почебук методикасидан олинган натижаларнинг корреляцион анализ қилиб, улар орасида чизиқли боғланишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаймиз.

Корреляция икки ўзгарувчи орасидаги боғлиқликни татқиқ этишда ишлатилади. Энг машҳур корреляция бу Пирсоннинг чизиқли корреляцияси. Корреляция коэффиценти -1.00 ва $+1.00$ оралиқда ўзгариб бориши мумкин. Бунда агар натижа -1.00 га тенг бўлса, демак ўзгарувчилар орасида салбий корреляция мавжуд. Агар натижа $+1.00$ бўлса, у ҳолда ўзгарувчилар орасида ижобий корреляция мавжуд. Бордию натижа 0.00 ни кўрсатса, у ҳолда ўзгарувчилар орасида корреляция мавжуд эмас.

Эмпатия даражаси – X ўзгарувчи; Толерантлик даражаси – Y ўзгарувчи

	Ўртача арифметик қиймат	Дисперсия (D)	Стандарт оғиш (y)
Эмпатия даражаси (X ўзгарувчи)	74	139	11
Толерантлик даражаси (Y ўзгарувчи)	10	9.65 ≈ 9	3.10 ≈ 3

$$r = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{(n-1)s_x s_y} \Rightarrow r = \frac{(90-74)(12-10)}{(60-1)\sqrt{139}\sqrt{9}} = \frac{32}{1884} = 0.2$$

Эмпатия ва толерантлик ўртасида кичик ижобий корреляцион алоқа мавжуд. Демак, шахсдаги ривожланган эмпатия унинг толерантлигига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни эмпатия ва толерантлик ҳислари ўзаро боғлиқ.

3.2.Талабаларда ижтимоий-толерантлик билан бошқа толерантлик турлари ўртасида ўзаро муносабатлар

Илмий талқинда, шахслар ўртасидаги ижтимоий толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, “оламлар олами” – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйиши. Ушбу ўлчамда ижтимоий толерантликнинг энг асосий “шахслар ичидаги шарти” – бу инсон ўртасидаги фарқларнинг табиийлиги ва буни ўзгартириб бўлмаслигини тушуниш, фарқларни ҳурмат қилишга тайёрлик, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигини бошқа бир инсонлар билан бирга мавжуд бўлиши, улар билан зўрликсиз ўзаро таъсир кўринишларига кира олиши, яъни диалогга киришиши қобилияти ва бунга тайёрлигини тан олишдан иборат. Бу ҳолатни биз талабалар шахси фаолиятида ҳам қиёслашимиз мумкин.


Биз тадқиқот давомида Солдатова томонидан ишлаб чиқилган методика ёрдамида олинган натижалар ҳақида айрим жадвал намуналари келтириб ўтишни лозим топдик. Бунда жадвал ичидаги натижалар муаммони тушуниб олишимизга кўпроқ ундайди. Бунда

Тарихчилар

Шкалалар	guruh	N	O'rtacha	Standart og'ish
Шкалалар толерантлик	tarix	25	87,8800	17,74195
Этник толерантлик	tarix	25	30,6400	6,15684
Иж. толерантлик	tarix	25	30,0800	7,15262
Толерантлик шахс сифати	tarix	25	27,6800	6,77446


Тарихчилар

Шкалалар	guruh	N	O'rtacha	Standart og'ish
толерантлик	tarix	25	87,8800	17,74195
Этник толерантлик	tarix	25	30,6400	6,15684
Иж. толерантлик	tarix	25	30,0800	7,15262
Толерантлик шахс сифати	tarix	25	27,6800	6,77446




Файласуфлар

Шкалалар	Гурух	N	O'rtacha	Standart og'ish
Шкалалар толерантлик	Фалсафа	25	91,8800	13,07134
Этник толерантлик	Фалсафа	25	25,4400	6,84398
Иж. толерантлик	Фалсафа	25	30,4000	6,21825
Толерантлик шахс сифати	Фалсафа	25	31,6000	6,35085



2-группа ўртачаси

Шкалалар	N	O'rtacha	Standart og'ish
Толерантлик	50	89,8800	15,55456
Этник толерантлик	50	28,0400	6,95748
Соц. тол.	50	30,2400	6,63497
Тол. шахс.сиф.	50	29,6400	6,79363



Diskriminant tahlil

	funksiyalar
	1
etnik tolerantlik	-,732
tolerantlik shaxs xislati	,547
Tolerantlik	,235
sotsial tolerantlik	,044

Гуруҳ	funksiyalar
	1
тарих	-,546
файласуф	,546

Тарихчилар

	Tolerantlik	etnik tolerantlik	sotsial tolerantlik	tolerantlik shaxs xislati
толерантлик	1	,312* ,129 25	,348 ,088 25	,072** ,733 25
Этник толерантлик		1	,059** ,778 25	-,043 ,839 25
Ижтимоий толерантлик			1	,183* ,382 25
Толерантлик шахс хислати				1

Файласуфлар

Шкалалар	Tolerantlik	etnik tolerantlik	sotsial tolerantlik	tolerantlik shaxs xislati
Толерантлик	1	-,092 ,662 25	,088* ,677 25	-,070 ,740 25
Этник толерантлик		1	,119** ,571 25	,156* ,457 25
Соц. толерантлик			1	,346* ,090

				25
Толерантлик шахс сифати				1

2-группа

	Tolerantlik	etnik tolerantlik	sotsial tolerantlik	tolerantlik shaxs xislati
Толерантлик	1	,068* ,639 50	,179** ,213 50	,051 ,725 50
Этник толерантлик		1	,072** ,618 50	-,058 ,687 50
Соц. толерантлик			1	,045* ,756 50
Толерантлик шахс сифати				1

3.3.Талабалар ижтимоий-толерантлик ва шахс хусусиятлари

Шахслар ўртасидаги ижтимоий толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, “оламлар олами” – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйиши. Ушбу ўлчамда толерантликнинг энг асосий “шахслар ичидаги шарти” – бу инсон ўртасидаги фарқларнинг табиийлиги ва буни ўзгартириб бўлмаслигини тушуниш, фарқларни ҳурмат қилишга тайёрлик, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигини бошқа бир инсонлар билан бирга мавжуд бўлиши, улар билан зўрликсиз ўзаро таъсир кўринишларига кира олиши, яъни диалогга киришиши қобилияти ва бунга тайёрлигини тан олишдан иборат.

М.М.Бахтиннинг машур диалогик концепцияси шахснинг диалогик табиатини таъкидлайди ва бошқа бир инсон билан диалогга киришиш шахснинг янада тўлиқроқ мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун бир усул бўлган шахснинг онтологик ўзидан қониқмаслигини қайд этади. Ушбу маънода диалог – бу инсоннинг шахс сифатида янада тўлиқ, табиий ва ривожланувчи турмуш тарзи бўлиб, бу мулоқотнинг “соғлом бошланиши”, Шахслар ўртасидаги муносабатнинг конструктив потенциали. Мос ҳолда толерантлик диалогнинг муҳим атрибути сифатида – шахснинг тўлиқ ҳаёт кечириши ва инсоннинг ривожланиши учун шароит бўлади.

Диалог концепциясидаги шахслар ўртасидаги толерантлик шунингдек, “шахснинг коммуникатив ҳуқуқлари” конструктори ёрдамида ҳам очиқ бериши ва тадқиқ қилиниши мумкин (Братченко, 1997). Улар ёрдамида мулоқотнинг психо-ҳуқуқий тизими ёритиб берилади. Шахснинг асосий базавий, коммуникатив ҳуқуқларига (ШКХ) қуйидагилар киради: ўзининг қадриятлар тизимига эга бўлиш ҳуқуқи; уни ҳурмат қилиниши ва қадрланиши ҳуқуқи; индивидуаллик ва ўзига хослик ҳуқуқи; суҳбатдошидан фарқланиш, ўз нуқтаи-назарига эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳаказо. Инсон томонидан асосий ШКХларнинг тан олиниши ва уларга риоя

қилиниши шахслар ўртасидаги толерантликнинг энг муҳим критерийси бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, юқоридагиларга хулоса қилиб, шахслар ўртасидаги ижтимоий толерантликни асосий психологик асос сифатида – шахснинг онгли танлови бўлиб, унга асосан инсон шахсий фикр позициясига эга бўлган ҳолда бошқа инсоннинг ҳуқуқини тан олади ва ҳурмат қилади.

Ижтимоий толерантлик кўпинча “ташқил этувчилари” махсус ўқитишлар, махсус психологик тренинглар орқали шакллантирилиши мумкин. Бироқ, М.М.Бахтиннинг машҳур формуласига кўра, шахс толерантлиги асосларини – қадриятлар, мазмунлар, шахсий установкаларга қанчалик яқин бўлса, шунчалик “амалиётда қўллаш” тактикаси ва шаклланаётган ҳаракатлар адекватиз бўлади.

Боб бўйича хулоса

Диссертациянинг ушбу боби юзасидан олиб борилган эфирик тадқиқотимиз бизда ушбу боб юзасидан бизда қуйидаги хулосаларни юзага келтирди. Методикалар мазмунан:

А.Ассингер (муносабатларда агрессивликни баҳолаш) тести (1-илова) шахснинг атрофдагилар билан мулоқотга кира олиш қобилияти қай даражадалигини аниқлашга ёрдам берадиган методикалардан биридир.

И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини баҳолаш методикаси (2-илова). Ушбу методика эмпатик (ҳамдардлик) ҳислар яъни бошқа инсонларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш, уни эмотсионал планда тушуниш қобилитини тадқиқ этишда ишлатилади.

“Интолерантлик-толерантлик” (ИНТОЛ) методикаси (3-илова) Л.Г.Почебук томонидан Р.Лайкерт ўтказган Тадқиқотлар асосида яратилган бўлиб, шахснинг толерантлик даражасини аниқлашга қаратилган.

Жадвал таҳлиliga кўра, агрессивлик кўрсаткичи билан интолерантлик кўрсаткичи ўртасида корреляцион алоқа мавжуд эмас. Демак шахснинг агрессивлик даражаси ундаги интолерантлик ҳиссига таъсир этмайди. Бу икки ҳиссий ҳолат ўртасида чизикли корреляцион алоқа мавжуд эмас.

Қолаверса, шахсда мавжуд бўлган эмпатия ва толерантлик ўртасида кичик ижобий корреляцион алоқа мавжуд. Демак, шахсдаги ривожланган эмпатия унинг толерантлигига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни эмпатия ва толерантлик ҳислари ўзаро боғлиқ.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мазкур магистрлик диссертация ишимиз бўйича олиб борилган тадқиқотни ҳам назарий ҳам эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

Психология тилида толерантлик бу – индивиднинг ўз асаб ва рухий мувозанатини тиклаш, муваффақиятли мослашиш, адоватга йўл қўймаслик ва уни ўраб турган олам билан ижобий муносабатларни ривожлантириш мақсадида муаммоли ва инқирозли вазиятларда ташқи муҳит билан фаол алоқа қилиш қобилиятини белгиловчи бирлашма, интеграл хусусият.

Толерантлик феноменининг дифференцияллашган тушунчасига қуйидагилар киради:

1. Табиий (натурал) толерантлик – кичик болага хос бўлган ва унинг шахсий “Мен” сифатлари ассоциациялашмаган - очиклик, меҳрибонлик, ишонувчанлик (“А” типли толерантлик);

2. Маънавий толерантлик – инсоннинг ташқи “Мен”и билан ассоциациялашган сабр, сабрлилик (“Б” типли толерантлик);

3. Ахлоқий толерантлик – ички “Мен” билан ассоциациялашган қабул қилиш ва ишонч туйғулари (“В” типли толерантлик).

Шахслар ўртасидаги ижтимоий толерантликнинг мазмуни – инсонларнинг чегаралар, меъёрлардан чиқишга тайёрлиги, “оламлар олами” – тенглар, тенг турли инсоний оламларга қадам қўйиши. Ушбу ўлчамда толерантликнинг энг асосий “шахслар ичидаги шарти” – бу инсон ўртасидаги фарқларнинг табиийлиги ва буни ўзгартириб бўлмаслигини тушуниш, фарқларни ҳурмат қилишга тайёрлик, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлигини бошқа бир инсонлар билан бирга мавжуд бўлиши, улар билан зўрликсиз ўзаро таъсир кўринишларига кира олиши, яъни диалогга киришиши қобилияти ва бунга тайёрлигини тан олишдан иборат.

Агрессивлик кўрсаткичи билан интолерантлик кўрсаткичи ўртасида корреляцион алоқа мавжуд эмас. Демак шахснинг агрессивлик даражаси ундаги интолерантлик ҳиссига таъсир этмайди. Бу икки ҳиссий ҳолат ўртасида чизиқли корреляцион алоқа мавжуд эмас.

Эмпатия ва ижтимоий толерантлик ўртасида кичик ижобий корреляцион алоқа мавжуд. Демак, шахсдаги ривожланган эмпатия унинг толерантлигига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни эмпатия ва ижтимоий толерантлик ҳислари ўзаро боғлиқ.

Ўрганилаётган мавзуни ҳам назарий ҳам эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

Биз яшаётган дунё кўпқиррали, ўтган ҳар бир кун билан ундаги турли-туманлик ортиб бормоқда. Бу ҳодисанинг асосида: инсонлар, инсонлар жамоаси, ижтимоий жараёнлар, бирлашмалар, вазиятлар, амалиётлар, маданиятлар ва субмаданиятлар орасидаги каби кўплаб ижтимоий фарқлар ётибди. Бундай шароитдаги ҳаётга мослашар экан одамзот аллақачонлардир тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашга имкон берувчи психологик хусусиятларни ривожлантириш керак деган хулоса келган. Шундай хусусиятлардан бири шубҳасиз толерантликдир.

Тадқиқот ишимизнинг объекти бўлмиш талабаларда ижтимоий толерантлик ҳиссини ривожлаганлик хусусияти учун қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

Талабаларда шахслараро толерантлик унинг бугунги кундаги аҳамияти юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш;

Маълумки, олий ўқув йртида турли дин ва миллат вакиллари таҳсил олади. Динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувликни ривожлантириш, ўзга миллат вакиллари уларнинг урф-одатларига нисбатан ҳурматни шакллантириш учун маданий фестивал ўтказиш;

Етакчи фаолияти таълим олиш бўлган талабалар когнитив режимда онсон ва бажонидил ишлайдилар. Шундай экан уларда ижтимоий

толерантлик ҳиссини ривожлантириш учун когнитив йўналишдаги тренинг машғулотларда фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 104-б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.

5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.349;

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқдаю – Т.; Ўзбекистон. 1999. – Б.30;

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.; Ўзбекистон. 1992. – Б.35;

8. Ананьев Б. Г. К психофизиологии студенческого возраста // Современные психолого-педагогические проблемы высшей школы / Под ред. Б. Г. Ананьева и Н. В. Кузьминой. Л., 1974. Вып. 2.
9. Адорно Т. Исследования авторитарной личности. М., 2001.
10. Алесеева Е.В. Проявление ответственности подростков в совладании с жизненными проблемами. Дисс. ... канд. психол. наук. СПб., 2002
11. Асқарова Ы. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003.
12. Асмолов А. Г. Мы обречены на толерантность// семья и школа. 2001. - №11-12. – С.32-35.
13. Асмолов А. Г. Толерантность от утопии к реальности. // На пути к толерантному сознанию. М., 2000. с. 5-7.
14. Асмолов А. Г. Толерантность: различные парадигмы анализа // Толерантность в общественном сознании России. – М., 1998.
15. Асмолов А.Г. Толерантность как культура XXI века // Толерантность: объединяем усилия. М., Летний Сад, 2002.
16. Ашмарин И.И., Юдин Б.Г. Основы гуманитарной экспертизы. // Человек. — 1997. №3.
17. Бардьер Г.Л. Социальная психология толерантности. – СПб.: Изд-во, СПбГУ, 2005.
18. Бондарева Г. Формирование толерантной личности школьника // История: Приложение к газ. “ Первое сентября”: - 2002. – май (№20). – С.13-14.
19. Братченко С.Л. Межличностный диалог и его основные атрибуты. // Психология с человеческим лицом: гуманистическая перспектива в постсоветской психологии. М., 1997. С.201-222.
20. Васильев В.А К вопросу о толерантности в современной России // Социально-гуманитарные знания. – 2000. - №3. – С. 231-262.

21. Век толерантности: Научно-публицистический вестник. М.: 2001.- 264 с.
22. Вульф Б.З. Воспитание толерантной личности: сущность средства // Внешкольник. 2002. - №6. – с. 12-16.
23. Гараджа В.И. Толерантность и религиозная нетерпимость // Философские науки. 2004.- № 3 – С.18-31.
24. Гершунский Б.С. Толерантность в системе ценностно-целевых приоритетов образования // Педагогика. 2002. №7-С.3-12.
25. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т.; Низомий номидаги ТДПУ 2004 й.
26. Декларация принципов толерантности. Утверждена резолюцией Генеральной конференции ЮНЕСКО от 16 ноября 1995 г.
27. Ивахненко Е.Н. Российская альтернатива "притерпелости" – веротерпимость и толерантность // Век толерантности, NN 3–4, 2001.
28. Ишмухаммедов Р.Ж., Абдукодилов А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. – Т., 2010.
29. Каримова Э. Толерантлик ва ҳозирги замон. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. - №3. – Б.51.
30. Кащенко О.О. Формирование толерантности подростков в учреждении дополнительного образования: Дисс. ...канд.пед.наук. – Магнитогорск, 2004.
31. Когнитивно-ориентированный тренинг толерантности./ 18 программ тренингов: Руководство для профессионалов. Под науч. ред. В.А.Чикер. – СПб.: Речь, 2007, глава 13, с.176-192.
32. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти, 1996.
33. Комогоров П.Ф. Формирование толерантности в межличностных отношениях студентов вуза. Автореф. ... канд. пед. наук. Курган. 2000.

34. Кристалл Г. Аффективная толерантность. // Журнал практической психологии и психоанализа. 2001. №3.
35. Кукушин В.С. Воспитание толерантной личности в поликультурном социуме: Пособие для учителя. – Ростов-н/Д: ГиНГО, 2002. – 405с.
36. Қодирова З. Ёшларда толерантликни ривожлантиришнинг баъзи масаларига доир. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. - №№. – Б.42.
37. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т., 2006.
38. Лебедева Н. М. Введение в этническую и кросс-культурную психологию» М.:Ключ-С, 1999.
39. Лекторский, В. А. О толерантности, плюрализме и критицизме / В. А. Лекторский // Вопр. философии. — 1997. — № 11. — С. 46 — 54.
40. Липман М. Обучение с целью уменьшения насилия и развития миролюбия. // Вопросы философии 1995. № 2. с. 110-121.
41. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
42. На пути к толерантному сознанию / Отв. ред. А. Г. Асмолов. — М., 2000.
43. Наврӯзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Фал.фан.док. ...дисс.автореф. – Т., 2002.
44. Петтай И. Взаимная толерантность эстонцев и неэстонцев // Интеграция эстонского общества. Мониторинг 2000. Таллинн, 2000, с. 6-10.
45. Почебут Л. Г. Взаимопонимание культур: Методология и методы этнической и кросс-культурной психологии. СПб.: Изд-во СПбГУ, 2005.

46. Практика социальной психологии толерантности / Толерантность и интолерантность в современном обществе. Под ред. И.Первой. – СПб.: Изд. С-Петербург. ун-та, 2005, с. 270-281.
47. Психология: Словарь / Под общей ред. А. В. Петровского, М. Г. Ярошевского. - М.: Политиздат, 1990.
48. Риэрдон Б.Э. Толерантность – дорога к миру. М., 2001.
49. Риэрдон, Б. Э. Толерантность — путь к миру / Б. Э. Риэрдон. — М., 2001.
50. Рубцов А.В., Юдин Б.Г. Новые ориентиры гуманитарного образования. // Человек. 1995. № 2-4.
51. Рўзиев А. Референт гуруҳ ва илк ўспиринлардаги толерантлик масаласига ижтимоий-психологик ёндашув. // Ж. Халқ таълими. – 2010, №6. – Б. 97-98.
52. Рюмшина Л.И. Библиотека психологии и педагогики толерантности. // Вопросы психологии. 2002, №2.
53. Семькина Е.Ю. Формирование невербального общения учащихся общеобразовательной школы: Дис. канд. пед.наук. – Магнитогорск, 2001.
54. Скрябина О.Б. Педагогические условия формирования коммуникативной толерантности у старшеклассников. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. Кострома, 2000.
55. Словарь-справочник по социальной работе. / Под.ред. проф. Е.И.Холостовой. – М., 1997.
56. Специфические особенности понимания и применения термина «толерантность». / Гражданское образование в школе. Программа «Вы – народ». Сост. Степанова Г.В. - Петрозаводск, ПетрГУ, 2005, с. 11-19.
57. Степанов П.В. Педагогические условия формирования толерантности у школьников-подростков: Дис. ...канд. пед.наук. – М., 2002.
58. Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

59. Толерантность и согласие. Под ред. Тишкова В.А., Солдатовой Г.У. М., 1996.
60. Тургунов Х. Психология терминларининг русча-ўзбекча изохли
61. Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.
62. Хасан Б.И., Сергоманов П.А. Разрешение конфликтов и ведение переговоров. Красноярск-Москва, 2001.
63. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: О’қитувчи, 2010.
64. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2006. – 164 б.
65. Швачко, Е. В. Толерантность как социальная ценность / Е. В. Швачко // Прикладная психология. — 2000. — № 5. — С. 17 — 27.
66. Юлина Н.С. О педагогической методике обучения миролюбию М. Липмана. // Философия для детей. М., 1996. с. 213-219.

ИЛОВАЛАР

«ЭМПАТИЯ ҲИСЛАРИНИ ЎЛЧАШ» МЕТОДИКАСИ

Қуйида таклиф қилинаётган методика Қозонлик психолог И.М.Юсупов томонидан шахсларнинг эмпатик қобилиятларини баҳолашда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Йўриқнома: қуйида 36 та таъкид берилган. Уларнинг ҳар бирига “билмайман”, “йўқ ёки ҳеч қачон”, “баъзида”, “тез-тез”, “деярли ҳамиша”, “ҳамиша” деб жавоб бериш талаб этилади.

Таъкидлар:

1. Менга “Ажойиб инсонларнинг ҳаёти” деган китоблардан кўра саргузаштлар ҳақидаги китоблар кўпроқ ёқади.
2. Катта бўлиб қолган болаларни ота-оналарининг ғамхўрлик қилиши ғашига тегади.
3. Менга бошқа одамларнинг муваффақиятлари ва омадсизликлари ҳақида фикр юритиш ёқади.
4. Мусиқа ҳақидаги кўрсатувлар ичида мен замонавий мусиқа ҳақидагисини танлаган бўлардим.
5. Касал одамнинг барча инжиқликларига сабр қилиш керак, бундай ҳол йилар давомида содир бўлаётган бўлсада.
6. Касал одамга биргина сўз билан ҳам ёрдам бериш мумкин.
7. Икки инсон ўртасидаги низога бегона одам аралашмагани маъқул.
8. Кекса одамлар одатда бўлар-бўлмасга хафа бўлаверадилар.
9. Болалигимда ғамгин кўшиқни эшитсам, кўзларимга беихтиёр ёш келарди.
10. Ота-онамнинг ёмон кайфияти менга ҳам таъсир қилади.
11. Мен ўзимга нисбатан қилинган танқидга эътибор бермайман.
12. Мен табиат манзараларидан кўра портретларни тамоша қилишни ёқтираман.

13. Мен ҳеч қачон ота-онамдан хафа бўмайман, улар ноҳақ бўлган тақдирда ҳам.
14. Агар от ёмон бўлса, уни уриш керак.
15. Инсонлар ҳаёти ҳақидаги драмматик асарларни ўқисам ҳудди ўзим билан содир бўлаётгандек ҳис қиламан.
16. Ота-оналар ўз болаларига адолатли муносабатда бўладилар.
17. Жанжаллаҳсаётган ўсмирларни кўрсам, мен ҳам аралашаман.
18. Мен ота-онамнинг ёмон кайфиятига эътибор бермайман.
19. Мен бошқа ишларимни кўйиб, ҳайвонларни узоқ кузатишни яхши кўраман.
20. Филмлар ёки китоблар фақат ножиддий инсонлардагина кўз ёшга сабаб бўлиши мумкин.
21. Менга нотаниш одамларнинг хулқи ва юз ифодасини кузатиш ёқади.
22. Болалигимда мен уйга кучук ва мушукларни етаклаб келардим.
23. Барча одамлар асосиз жаҳлдор бўлиб қолганлар.
24. Бегона одамга қараб, унинг ҳаёти қандай бўлишини аниқлагим келади.
25. Болалигида ўзимдан кичкина болалар ортимдан эргашиб юрарди.
26. Жароҳатланган ҳайвонни кўрсам унга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.
27. Агар инсоннинг шикоятларини эътибор билан тингласангиз у анча енгил тортади.
28. Йўлда юз берган бирор ҳодисани кўриб қолсам, гувоҳ бўлиб қолмасликка ҳаракат қиламан.
29. Ўзимдан кичикларга бирор иш, ўйин ёки ўзимнинг фикримни таклиф қилсам бу уларга ёқади.
30. Ҳайвонлар ўз эгаларининг кайфиятлари тушунадилар деган гапга қўшилмайман.
31. Оғир низоли вазиятдан инсон ўзи мустақил чиқиб кетиши керак.
32. Агар бола йиғлаётган бўлса демак бунинг ўзига яраша сабаби бор.

33. Ёшлар кексаларнинг ҳар қандай инжиқликлари ва хохишларини бажо келтириши керак.
34. Нима учун баъзида синфдошларим ўйчан бўлиб қолиши билгим келарди.
35. Егаси йўқ уй ҳайвонларини тутиб, йўқ қилиш керак.
36. Агар дўстларим мен билан ўзларининг шахсий муаммоларини ҳал қила бошласалар, мен суҳбат мавзусини бошқа томонга буришга ҳаракат қиламан.

"Толерантликни экспресс ўрганиш" сўровномаси

(Г.У.Солдатова, О.А.Кравцова, О.Е. Хухлаев, Л.А.Шайгерова)

Методика матни

Йўриқнома: Такдим этилган мулоҳазаларга қанчалик қўшилиш ва қўшилмаслигининг баҳоланг. Бунинг учун ҳар бир мулоҳаза тўғрисида ўзингиз танлаган жавобни қайд этинг.

№	Мулоҳазалар	Мутлақо қўшилмайман	Қўшилмайман	Қисман қўшилмайман	Қисман қўшилман	Қўшиламан	Тўлиқ қўшиламан
1.	Оммавий ахборот воситаларида ҳар қандай фикрни такдим этиш мумкин						
2.	Аралаш никоҳларда бир миллатлилар никоҳига нисбатан одатда муаммолар кўпроқ						
3.	Агар дўстинг хиёнат қилса, ундан ўч олиш керак.						
4.	Агар уларнинг хулқ-атворини ўзгартирса, қизиққон халқлар билан яхши муносабат ўрнатса бўлади						
5.	Баҳсларда биргина ягона тўғри нуқтаи назар мавжуд бўлиши мумкин						

6.	Камбағал ва дайдилар ўз муаммоларига ўзлари сабабчидирлар						
7.	Ўз халқини бошқа халқлардан яхши дейиш нормал ҳол						
8.	Ёқимсиз одамлар билан мулоқот қилиб бўлмайди						
9.	Ўзимни фикрим бўлса-да, мен бошқаларнинг қарашларини тинглашга тайёрман						
10.	Барча руҳий касалларни жамиятдан чегаралаб қўйиш керак						
11.	Мен ҳар қандай миллат вакилини ўз оиламнинг аъзоси сифатида қабул қилишга тайёрман						
12.	Ҳар бир инсонда ўз ташвиши кам эмаслиги боис, қочоқларга кўп ёрдам бериш шарт эмас						
13.	Агар менга қўполлик қилишса, мен ҳам шундай жавоб қайтараман						
14.	Дўстларим орасида ҳар хил миллат вакиллари бўлишини хоҳлайман						
15.	Мамлакатда тартибни ўрнатиш учун “қаттиққўллик” керак.						
16.	Мусофир кишилар ҳам маҳаллий						

	аҳолидек бир хил ҳуқуққа эга бўлиши керак						
17.	Мени асабийлаштирган нарса ҳақида бошқалар менчалик фикрламайдилар						
18.	Айрим миллат ва халқларга яхши муносабат қилиш қийин						
19.	Тартибсизлик мени асабийлаштиради						
20.	Ҳар қандай диний оқим мавжуд бўлишга ҳақли						
21.	Мен қора танли одамни ўзимга яқин дўстдек қабул қила оламан						
22.	Мен бошқалар билан муносабатда сабрли бўлишни хоҳлайман						

Натижаларни қайта ишлаш

Миқдорий таҳлил учун хусусий шкалаларга ажратмасдан, умумий натижалар ҳисобга олинади.

Тўғри тартибдаги мулоҳазаларга берилган ҳар бир жавобга 1 дан 6 баллгача берилади ("мутлақо қўшилмайман" – 1 балл дан бошлаб, "тўлиқ қўшиламан" – 6 баллгача). Тескари тартибли мулоҳазаларга берилган жавобларга тескари балл берилади ("мутлақо қўшилмайман" – 6 балл, "тўлиқ қўшиламан" – 1 балл). Сўнгра олинган балларнинг йиғиндиси топилади.

Тўғри тартибланган мулоҳаза рақамлари: 1, 9, 11, 14, 16, 20, 21, 22.

Тескари тартибланган мулоҳаза рақамлари: 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 12, 13, 15, 17, 18, 19.

Индивидуал ёки гуруҳий сўровнинг натижалари бўйича толерантлик қуйидаги даражалар бўйича ёритилади:

22-60 – толерантликнинг қуйи даражаси.

61-99 – толерантликнинг ўрта даражаси.

100-132 – толерантликнинг юқори даражаси

Толерантликни сифатий таҳлил қилиш учун натижаларни қуйидаги шкалаларга ажратган ҳолда фойдаланиш мумкин:

1. Этник толерантлик: 2, 4, 7, 11, 14, 18, 21 мулоҳазалар бўйича
2. Социал толерантлик: 1, 6, 8, 10, 12, 15, 16, 20 мулоҳазалар бўйича
3. Толерантлик шахс хислати сифатида: 3, 5, 9, 13, 17, 19, 22 мулоҳазалар бўйича ишланади.

Л.Г.ПОЧЕБУГНИНГ “ИНТОЛЕРАНТЛИК-ТОЛРАНТЛИК” МЕТОДИКАСИ

Л.Г.Почебуг томонидан ишлаб чиқилган бу методика шахснинг толерантлик даражасини аниқлашга қаратилган. Методика 16 та таъкиддан иборат бўлиб, уларнинг ярми толерантликни қолган ярми эса – интолерантликни аниқлашга қаратилган.

Йўриқнома. Қуйида берилган таъкидларни ўқиб чиқинг ва уларни ўзингиздан келиб чиққан ҳолда баҳоланг. Баҳолашда “қўшиламан”, “қисман қўшиламан”, “айтишим қийин”, “қисман қўшилмайман”, “қўшилмайман” каби меъзонлардан фойдаланинг.

Таъкидлар:

1. Бировнинг фикрига тамоман қарши бўлсам ҳам, унга нисбатан ҳурмат кўрсата оламан.
2. Агар кимдир менинг фикримча ахлоқсизлик қилса, унга бу ҳақида айтаман.
3. Мени танқид қилишларини ёқтирмайман, бироқ тўғри танқидга қулоқ солишим мумкин.
4. Ўзбек тилини яхши билмайдиган киши билан суҳбатлашиш мени гашимга тегади.
5. Агар кимгадир қўполлик қилсам ёки хафа қилиб қилиб қўйсам бундан афсусланаман.
6. Бошқа миллат ёки ирқ вакиллари билан ёнма-ён туриш менга ёқмайди.
7. Мен ўзимни бошқара оламан: хатто низоли вазиятларда ҳам одамлар билан яхши муомала қилишим мумкин.
8. Кимнидир алдагаан инсонларга ишона олмайман.
9. Бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда ўз ҳақимни қаттиқ ҳимоя қиламан.
10. Бошқа кишилар ўз карашлари, фикрлари, қадриятларини ҳимоя қилиши мени хавотирга солади.

11. Мен бошқаларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан сабрлироқ бўлишни истардим.
12. Атрофимдагилар фикримга қаршилиқ билдирмасдан рози бўлсалар хурсанд бўламан.
13. Мен ўзим бирга яшаётган миллат, халқнинг анъаналари ва мадааний меъёрларини бузмасликка ҳаракат қиламан.
14. Атрофдаги одамлар менинг ҳуқуқларимни бузмаслиги мен учун жуда муҳим.
15. Бирор одам билан ўзаро ҳурмат, ишонч алоқаларини ўрната олмасам хафа бўламан.
16. Инсонлар кўзимга қараб туриб ёлғон гапирса, асабим бузилади.

"Толерантликни экспресс ўрганиш" сўровномаси
(Г.У.Солдатова, О.А.Кравцова, О.Е. Хухлаев, Л.А.Шайгерова)

Методика матни

Йўриқнома: Такдим этилган мулоҳазаларга қанчалик қўшилиш ва қўшилмаслигини баҳолаш. Бунинг учун ҳар бир мулоҳаза тўғрисида ўзингиз танлаган жавобни қайд этиш.

№	Мулоҳазалар	<i>Мутлақо қўшилмайман</i>	<i>Қўшилмайман</i>	<i>Қисман қўшилмайман</i>	<i>Қисман қўшилман</i>	<i>Қўшиламан</i>	<i>Тўлиқ қўшиламан</i>
1.	Оммавий ахборот воситаларида ҳар қандай фикрни такдим этиш мумкин						
2.	Аралаш никоҳларда бир миллатлилар никоҳига нисбатан одатда муаммолар кўпроқ						
3.	Агар дўстинг хиёнат қилса, ундан ўч олиш керак.						
4.	Агар уларнинг хулқ-атворини ўзгартирса, қизиққон халқлар билан яхши муносабат ўрнатса бўлади						
5.	Баҳсларда биргина ягона тўғри нуқтаи назар мавжуд бўлиши мумкин						

6.	Камбағал ва дайдилар ўз муаммоларига ўзлари сабабчидирлар						
7.	Ўз халқини бошқа халқлардан яхши дейиш нормал ҳол						
8.	Ёқимсиз одамлар билан мулоқот қилиб бўлмайди						
9.	Ўзимни фикрим бўлса-да, мен бошқаларнинг қарашларини тинглашга тайёрман						
10.	Барча руҳий касалларни жамиятдан чегаралаб қўйиш керак						
11.	Мен ҳар қандай миллат вакилини ўз оиламнинг аъзоси сифатида қабул қилишга тайёрман						
12.	Ҳар бир инсонда ўз ташвиши кам эмаслиги боис, қочоқларга кўп ёрдам бериш шарт эмас						
13.	Агар менга қўполлик қилишса, мен ҳам шундай жавоб қайтараман						
14.	Дўстларим орасида ҳар хил миллат вакиллари бўлишини хоҳлайман						
15.	Мамлакатда тартибни ўрнатиш учун “қаттиққўллик” керак.						
16.	Мусофир кишилар ҳам маҳаллий						

	аҳолидек бир хил ҳуқуққа эга бўлиши керак						
17.	Мени асабийлаштирган нарса ҳақида бошқалар менчалик фикрламайдилар						
18.	Айрим миллат ва халқларга яхши муносабат қилиш қийин						
19.	Тартибсизлик мени асабийлаштиради						
20.	Ҳар қандай диний оқим мавжуд бўлишга ҳақли						
21.	Мен қора танли одамни ўзимга яқин дўстдек қабул қила оламан						
22.	Мен бошқалар билан муносабатда сабрли бўлишни хоҳлайман						

Натижаларни қайта ишлаш
Миқдорий таҳлил учун хусусий шкалаларга ажратмасдан, умумий натижалар ҳисобга олинади.

Тўғри тартибдаги мулоҳазаларга берилган ҳар бир жавобга 1 дан 6 баллгача берилади ("мутлақо қўшилмайман" – 1 балл дан бошлаб, "тўлиқ қўшиламан" – 6 баллгача). Тескари тартибли мулоҳазаларга берилган жавобларга тескари балл берилади ("мутлақо қўшилмайман" – 6 балл, "тўлиқ қўшиламан" – 1 балл). Сўнгра олинган балларнинг йиғиндиси топилади.

Тўғри тартибланган мулоҳаза рақамлари: 1, 9, 11, 14, 16, 20, 21, 22.

Тескари тартибланган мулоҳаза рақамлари: 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 12, 13, 15, 17, 18, 19.

Индивидуал ёки гуруҳий сўровнинг натижалари бўйича толерантлик қуйидаги даражалар бўйича ёритилади:

22-60 – толерантликнинг қуйи даражаси.

61-99 – толерантликнинг ўрта даражаси.

100-132 – толерантликнинг юқори даражаси

Толерантликни сифатий таҳлил қилиш учун натижаларни қуйидаги шкалаларга ажратган ҳолда фойдаланиш мумкин:

1. Этник толерантлик: 2, 4, 7, 11, 14, 18, 21 мулоҳазалар бўйича
2. Социал толерантлик: 1, 6, 8, 10, 12, 15, 16, 20 мулоҳазалар бўйича
3. Толерантлик шахс хислати сифатида: 3, 5, 9, 13, 17, 19, 22 мулоҳазалар бўйича

ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАЗМУНИ

1. Авесто - The Avesta;
2. Агрессия - The Aggression;
3. Ассингер тести - The Test A. Assinger;
4. Ахлоқий толерантлик - Moral tolerance;
5. Гендер – Gender;
6. Дунёқараш – Worldoutlook;
7. Жинс – Sex;
8. И.М.Юсуповнинг эмпатия ҳисларини баҳолаш методикаси - I. M. Yusupov for study level empathic trend;
9. Ислом – Islam;
10. Ирк – Race;
11. Ички толерантлик - Internal tolerance;
12. “Интолерантлик-толерантлик” (ИНТОЛ) методикаси - Methods "Intolerance-tolerance" (INTOL);
13. Интолерантлик – Intolerance;
14. Корреляция - The Correlation;
15. Маданият – Culture;
16. Маънавий толерантлик - Moral tolerance;
17. Миллат - A nation;
18. Низо - The conflict;
19. Принцип – Principle;
20. Психология - The Psychology;
21. Талабалар - A student;
22. Табиий (натурал) толерантлик - Natural (natural) tolerance;
23. Ташқи толерантлик - External tolerance;
24. Тенглик - The Social equality;
25. Толерантлик – Tolerance;
26. Феномен – Phenomenon;

27.Эмпатия – Emphatia;

28.Эркинлик - Free will;

29.Шахс – Persona;

30.Шахслар ўртасидаги толерантлик - measurement tolerance.